



33
(1455)-son
11-sentabr
2020

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

КУВАСОЙЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Улар бунга қандай эришдилар? **3-бет**

НАОИЙ

АКТдан фойдаланиш янада янги босқичга кўтарилди **5-бет**

ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

Президент подписал документ о цифровизации судебной власти **6-бет**

ИНТЕРВЮ

Акбархон Собирхонов: "Вазирлигимиз янгиликларга, инновацияларга ҳар доим очиқ" **7-бет**

ТАЛАБАНИНГ КУНДАЛИГИДАН

Фамилиянинг "кучи" **8-бет**

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР

"Сиёсат, АҚШ тажрибаси, "Янги Ўзбекистон" ҳақида ўйлар..." **9-бет**

АЛОҚА ОЛАМИДА

"Иўлдош" учмади — қидирув тизими ёпилди **12-бет**

ЭНГ ОММАЛАШГАН АНДРОИД-ИЛОВАЛАР (2020 йил, август)

Қисқа видеороликлар тайёрлаш ва томоша қилишга мўлжалланган TikTok август ойида 63,3 миллион марта кўчириб олиниб, дунёдаги энг оммалашган иловага айланди. TikTok нафақат Google Play, балки App Storeда ҳам етакчи ўринда.

ТОП-10

1. TikTok
2. Snack Video
3. Facebook
4. Google Meet
5. ZOOM
6. Instagram
7. WhatsApp
8. Messenger
9. Snapchat
10. MX TakaTak




Манба: Sensor Tower

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ҲАЁТГА

МИЛЛИЙ КАШФИЁТ

Ўзбекистонда коронавирусни йўқотувчи технология яратилгани айтилмоқда. У синовлардан муваффақиятли ўтган



Юртимизга кириб келган коронавирус пандемияси мутахассисларни унга қарши тура оладиган турли технологиялар устида бош қотиришга ундади. Ва улар тез орада бунинг уддасидан чиқишганини айтишмоқда. Маълум бўлишича, янги миллий технология коронавирусни буткул йўқотишга қодир. Бу қанчалик ҳақиқат? Биз бу борада соҳа мутахассисларининг фикри билан қизиқдик.



ТЕХНОЛОГИЯ

"СТАРТАП ТАШАББУСЛАРИ": БЕШИНЧИ ДАВР ЯНГИ ФОРМАТДА ИШГА ТУШМОҚДА

Давом этаётган пандемия одамлар ва ташкилотлар ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этиб ўзгаришларни тезлаштириш, янги технологияларни ривожлантириш ва инновацияларни жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Пандемия даврида одамлар ҳаётида, одатлари ва истакларида мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй бермоқда. Ва бу ўз навбатида бошқа соҳаларга таъсир кўрсатмоқда. Пандемия оқибатларини юмшатиш учун бизнинг таклифимиз – "Стартап ташаббуслари".

"Startup tashabbuslari" yoshlarning innovatsion g'oya va startap loyihalarini qo'llab-quvvatlash dasturi

Logos of partner organizations: O'zbekiston Respublikasi Boshqa Tashabbus Agentligi, Yoshlar Ishlari Agentligi, SH, IT PARK, O'zbekiston Respublikasi Oliy va O'rta Maxsus Ta'lim Vazirligi, MITC, O'zbekiston Respublikasi Oliy va O'rta Maxsus Ta'lim Vazirligi, UZBEKISTAN, and others.



2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan
Jumagacha

“Стартап ташаббуслари”: БЕШИНЧИ ДАВР ЯНГИ ФОРМАТДА ИШГА ТУШМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича ислохотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги таъкидланиб, келгусидаги устувор вазифалар белгиланди. Соҳада хусусий секторни жалб қилган ҳолда ўрмон ерларини ўзлаштириш, йилқичилик, чорвачилик, уруғчилик, кўчатчилик, туризминг кенг йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларига мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан кўтуловлар йўлагани учун кўп миллатли халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни Мустақиллик куни билан табриқлади. Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентига сўхат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва масъулятли давлат лавозимидаги фаолиятида янги ютуқлар, дўст Тожикистон халқига эса тинчлик-омонлик, фаровонлик ва доимий тараққиёт тиллади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Иқтисодий форумининг биринчи йиғилиши видеоконференция шаклида ўтказилди. Тадбирда Ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий ва савдо идоралари раҳбарлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси номидан Бош вазир ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоков иштирок этди. Йиғилиш кун тартибига савдо-иқтисодий, инвестиция ва саноат соҳасида ҳамкорлик билан боғлиқ кенг қўламли масалалар киритилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси МДҲга аъзо давлатлар Савдо-саноат палаталари раҳбарлари кенгашининг видеоконференцияда форматдаги ўн саккизинчи йиғилиши ўтказилди. Йиғилишга МДҲга аъзо давлатлар палаталари раҳбарлари кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов раислик қилди. Кенгаш якунида МДҲга аъзо давлатлар Савдо-саноат палаталари раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи йиғилиши якуний қарори имзоланди. Унда МДҲга аъзо давлатлар палаталари раҳбарлари кенгашининг 2021 йилда Душанбеда ўтказишга келишиб олинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ҳамда “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат таъминлашга билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлар эълон қилинди.

Технологияларни ишлаб чиқиш ва инновацияларни ривожлантиришда стартаплар ҳаётий муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида инновацион тадбиркорлик (стартаплар) ҳақи равишида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида пандемия туфайли “Стартап ташаббуслари”ни қўллаб-қувватлаш дастури биринчи марта тўлиқ онлайн тарзда ўтказилди. Ушбу формат барча иштирок этувчи жамоалар учун ажойиб амалиёт ва рақамлаштириш сари амалий қадамдир.

Пандемия жиддий таъсир кўрсатадиган соҳалардан бири бу бандлик соҳаси бўлиб, ҳозирги иқтисодий муносабатлар қайта шаклланаётган бир пайтда иқтисодиёт тикланиши билан баъзи иш ўринлари йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шу сабабли бу йил “Стартап ташаббуслари” дастури янги иқтисодий воқеликлар ва бизнеснинг трансформацияси учун фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали билим алмашадиган, мутахассислар ва технологик лойиҳалар тайёрладиган майдонига айланди.

Пандемия даврида ўзгараётган муҳит ва истеъмолчиларнинг ихтиёрлари корхона ва ташкилотларнинг бизнес жараёнлари ва инфратузилмасига жиддий талаблар қўймоқда ва ўз фаолиятларини сақлаб қолиш учун харажатларни янада камайтиришга ва янги иш усулларини излашга мажбур қилмоқда. Янги технологиялар ва ишланмаларга талабни ўрганиш шаклида акс алоқа ўрнатиш орқали дастур корхона ва ташкилотларга харажатларни камайтиришга, асосий бизнес жараёнларини рақамлаштиришга ва муаммоларни ҳал қилиш учун иқтидорларни кашф қилишга ёрдам беришни режалаштирмоқда.

Жорий йилда дастур ўз ишини Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом эттиради ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги, “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази, Ўзбекистон энг истиқболли 40та лойиҳа жамоаси (ҳар бир вилоятдан 3тагача ва Тошкент шаҳридан 10тагача лойиҳа) якуний тақдимотлар натижасига кўра, ўз стартапларини амалга ошириш учун 50 миллион сўмгача мақсадли грантлар билан тақдирланади. Бу грантлар “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури томонидан Япония ҳукумати молиявий кўмаги асосида ажратилади.

Республиканинг барча ҳудудларидан энг истиқболли 40та лойиҳа жамоаси (ҳар бир вилоятдан 3тагача ва Тошкент шаҳридан 10тагача лойиҳа) якуний тақдимотлар натижасига кўра, ўз стартапларини амалга ошириш учун 50 миллион сўмгача мақсадли грантлар билан тақдирланади. Бу грантлар “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури томонидан Япония ҳукумати молиявий кўмаги асосида ажратилади.

Қўллаб-қувватлаш дастури, лойиҳаларни танлаш мезонлари ва иштирокчиларга қўйиладиган талаблар тўғрисида қўшимча маълумотни www.startupinitiatives.uz саҳифасидан олишингиз мумкин.

Аризалар 2020 йилнинг 16 сентябригача қабул қилинади.

Эслатиб ўтамиз, Стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлаш дастури беш йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Бу йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Ўзбекистонда ёшлар бандлигига кўмаклашиш” кўшма лойиҳаси доирасида Россия Федерацияси молиявий кўмаги асосида амалга ошириляпти.



АМИТИ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАЛАБАЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Онлайн таълим жараёнида Тошкент шаҳридаги Амйти университетида талабалар учун янги имкониятлар яратилди – университет онлайн платформа орқали юқори сифатли таълим беришни бошлади.

Университет ҳар бир талаба компютер лабораторияларидан фойдаланиши учун, онлайн компютер лабораторияларини ишга туширмоқда. Энди талабалар уйда машқ қилиш, ўрганиш учун шахсий компютерларга дастур ўрнатишлари шарт эмас. Талабалар виртуал компютер лабораториясига эга бўлиб, ўз курслари бўйича талаб қилинадиган барча дастурлардан фойдалана оладилар.

Эндиликда талабалардан:

- онлайн машғулотлар пайтида юқори конфигурацияга эга компютер, ноутбук сотиб олиш.

- онлайн машғулотлар давомида дастурий таъминот , дастурларни сотиб олиш.

- онлайн машғулотлар давомида катта дастурий таъминот, дастурларни ўрнатиш талаб қилинмайди.


Бу эса талабаларнинг ўз устида ишлашлари ва билимларини оширишлари учун имкониятдир.

Ушбу нуфузли университет Ўзбекистонга ахборот технологиялари йўналишини қўллаб олиб келинган бўлса-да, ҳозирда университетда бизнес бошқаруви, туризм, иқтисодиёт бўйича ҳам таълим берилди. Бундан ташқари, биринчи йилда иқтисодиёт ва ахборот технологияларидан магистрлик дастурлари ҳам йўлга қўйилган.

ҚУЛАЙЛИК

САМАРҚАНДНИНГ УЧ ТУМАНИДА ЖАМОАТ WI-FI ЗОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Самарқанд вилояти Жомбой, Нуробод ва Кўшробод туманлари аҳолиси учун янги жамоат Wi-Fi зоналари фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда АКТ вазирлиги ахборот хизмати хабар бермоқда.



“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали 222-АТСда ускуналарни модернизациялаш муносабати билан Самарқанд шаҳрининг Беклар ва Найман маҳаллалари аҳолиси учун янги технологиялар бўйича абонентларни улаш юзасидан телекоммуникация хизматларининг сайёр савдоси ташкил этилди.

Сайёр савдо давомида фуқароларга ушбу ҳудудда ўрнатилган замонавий MSAN қурилмаси ҳамда ADSL ва VDSL технологиялари ҳақида маълумотлар берилди. Қурилгани модернизациялаш ин-тернет тармоғига улашиш тезлиги ва сифатини ошириш

имконини беради. Аҳолига VDSL технологияси бўйича қайта улашиш таклиф этилди, шунингдек, янада янги тезкор ва амалдаги ҳамёнбон тариф режалар ҳақида маълумотлар берилди.

Сайёр савдолар ўтказиш давомида аҳолига UZTELECOM компаниясининг телекоммуникация хизматларига яшаш жойидан ташқарига чиқмаган шунингдек, улашиш имконияти тақдим этилди, шунингдек, амалдаги абонентлардан компаниянинг телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш чоғида юзага келган носозликларни бартараф этиш бўйича аризалар қабул қилинди.

ҚУВАСОЙЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Улар бунга қандай эришдилар?

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали жамоаси фаолиятини мунтазам ёритиб юрарканман, “Опа, пенсияга боғланиб қолганмиз. Пенсияни олиб қўйишда, аҳволимиз нима кечади – ёлғиз Худога аён”, дея башоратгўйларни эшитганда, қанчадан-қанча одам ишсиз қолса, деган хавотирдан кўнглим гаш тортарди. Бу агар муқаррар ҳолат бўлса, ундан чўчийсизми-йўқми, нима аҳамияти бор – бу ёш-ёш йигит-қизлардаги кайфият эди. Улардаги кўтаринкиликни кўрганда эса ҳаммаси жойида бўлади, дея хулоса ясардим. Ахир акциядорлик жамияти бор, у ерда мутахассислар ҳам қўл қовуштириб ўтиришмагандир, қолаверса, олимлар бор, ўз касбининг фидойилари бор. Улар албатта вазиятни тўғри баҳолаб, чора-тадбирларини топишади!

Фарғоналик почтачилар муаммоларни ҳал этишниг уқдасидан чиқишга аҳд қилдилар ва самаралари чакки эмас. Уларнинг кейинги даврда эришган ютуқлари ҳам шундан далолат бермоқда. Бунда Қувасой, Кўкюн, Фарғона шаҳарлари ва Учқурик, Олтиариқ, Яйпан ПАБ жамоалари замонга хос ва мос ишлаб, барака топишапти. Фаолиятлари юқори баҳолалиб, мукофотларга сазовор бўлмоқдалар. Биз улар ҳақида навбати билан ҳикоя қилишни режалаштирганмиз. Бугун Қувасой почта алоқаси боғламаси бошлиғи Илҳомжон АБДУЛЛАЕВ ҳақидаги ҳикоямиз билан танишасиз.

...Илҳомжоннинг орзуси тарихчи бўлиш эди. Фарғона давлат университетига таҳсил олиш унинг учун битмас-туганмас бахт бўлиб туюларди. Бироқ ҳаёт унинг бахти бошқа томондан эканлигини кўрсатиб қўйди. Тестдан ўтолмай юрган кезлари почтада сараловчи бўлиб ишловчи Ҳанифа холаси “Бизда кузатувчилик бор. Бошлигимиз сенга ўхшаган йигитларни ишга олмакчи. Почта – халқ хизматкори. Элу юртга хизмат қилсанг, аъло бўлсанг, аъло бўласанки, асло кам бўлмайсан”, дея руҳлантирди. Уша пайтдаги Қувасой шаҳар почтаси бошлиғи Алижон Ибрагимов Илҳомжондаги баркамоллик фазилатларини дарҳол илғаб олди. Энди соҳада ҳам бутунлай бошқача талабар

юзага келаётганди. Рақамли технологияларга дадил қадам қўйилаётган, барча ишлар, жараёнлар ахборот технологиялари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолаётганди. Почтага ярқ этиб кўзга ташланиб турадиган навқирон ёш йигит ва қизларни тортиш даври келганди. Буларни раҳбар Ибрагимов аниқ-тиниқ ҳис этиб турарди. Бекиёс ва бетимсол ёшлиқкина эскича ишларни бемалол тарқ эта олади ва шиддат билан янгича ишлашга ўтади! Бошлиқ Илҳомжонга ишонч билдирди: Почтага қадам қўйганингиз кўтлуг бўлсин. Сизни жуда кўп хайрли ишлар кутиб турибди.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Уни жуда кўп эзгу ишлар кутиб турган экан. Жамоа унга ёқди, у жамоага. Қаерга қўйишса, жон дили билан ишлайверди. Каттадир, кичикдир улардан иш ўрганди. Ревизорликни уқдалади, техника хавфсизлиги техникни вазифасини ҳам бажариб кетаведи. Почта ишини ипидан игнасиғача билиб олди. Унга хос жонфидолик, журъаткорлик, маданият ҳам почта ҳаётида акс эта бошлади. Сафларга яна ёшлар келиб қўшилди. Мана, бошлиқ бўлиб ишлаётганига ҳам етти йил бўлай деб қолди. Бахтини шу ишдан толганидан узи ҳам мамнун. “Акциядорлик жамияти унга сиртдан олий тахсил олиши учун шарт-шароит яратиб беради. Маблағ ажратади...”



Ўн бир йиллик сидқидил меҳнатларга берилган бундай рағбат ҳар қандай инсонни ҳам кўкларга кўтарарди. Бу хушбахтардан оиладагилар айниқча хурсанд бўлишди. Биз борганда Илҳомжон шу хушбахтардан бахтиёр онларни бошидан кеңираётганди. Табригимиздан хурсанд бўлди. “Шу соҳанинг одами, олими бўлишим шарт. Ризқимиз шу соҳага сочилган экан, оқлаб ейишим зарур!”

– Илҳомжон, Қувасойни яхши кўрасизми? – сўрайман ундан.

Кутилмаган саволдан у бироз ўйланиб қолади ва жавоб қилади: Бахту саодатини шу ишдан, шу ердан топган бўлсам яхши кўрмаслик мумкинми? Шаҳар ҳам, одамлари ҳам жуда ёқди. Саноят шаҳри. Қувасой таркибда 15та қишлоғи бўлган ягона шаҳар бўлса керак республикамизда. 15та шаҳар МФЙлари бор. Хуллас, ишсизлар кам. Ҳамма тўловларни почта орқали амалга оширсам дейди, кулимсирайди у. Шаҳарда богдорчилик ривожлангани ҳам почта ишга кўр бағишлайди. Буни эътироф этмай иложим йўқ.

– Ютуқларингиз сирларини яна нималарда деб ҳисоблайсиз?

– Ширинсўзлик биринчи ўринда туради. Иккинчи ўринда эса почта формаси. Ишонверинг!

– Ишончингиз қомилми?

– Албатта. Буни кўп бора синаб кўрганман. Ширинсўз ҳам, чиройли, бежирим форма ҳам мижозларимизни кўпайтиради. Шулар бўлмаса, тасаввур қилинг, бир кунда 10 млн. сўм ўрнига 7 млн. сўм кирати хос қассага. Уч млн. сўм йўқотиш кимга ёқарди? Илҳомжоннинг орзулари оламча бор. Боғламаларда, алоқа бўлимларида қатор қулайликлар яратилса! Замонавий меҳнат, ҳамма почтачилар олий маълумот олишса! Ниҳоятда кўркам бижиримгина почта қасса-шоҳобчалари бунёд этилса...

Ўтган саккиз ойликни 45 млн. сўмлик соф даромад билан яқунлаган жамоа раҳбари билан суҳбатлашиб зерикмайсиз. Аини кунда у меҳнат таътилида бўлишига қарамай, ҳар кун ишонмага келади. Чунки меҳнат маромини сақлашда гап кўп. Маромини бой бериш эса ярамайди.

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАРГА САДОҚАТ

Юртимизда инсон ҳаётини тубдан яхшилаш, ҳар бир инсон орзусига етиб яшати, кадр-қимматини жойига қўйишдек эзгу ишларда “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали раҳбарияти ва бошланғич касба уюшмаси кўмитасининг фаолияти гўзал мисол бўла олади. Мана, бир ярим йилдан ошдики, умумхалқ байрамларида фахрийлар, эҳтиёжманд оилалар йўқлиниб, кекса дилларга қувонч улашилмоқда.

Бу гал сафаримизни Фарғона шаҳрилик энг ёш фахрийни кўришдан бошладик. Бувижонлик бахти барқ урган онадон бизларни юқори қаватдан паस्ता тушиб кутиб олди. Ёнида ташрифимиз мақсад-муддаосига етишга уринаётган, кўзларига хайратлари сигмаган набираси ҳам бор. Келганимиздан боши осмонларга етган Озодахон Иминжоновна яккаш раҳмат, раҳмат дерди, холос. Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги билан табриклар эканми бир қувончига ўн қувонч қўшилди. Сўнг фарғоналик Клара Исавани йўқлаб бордик. Онахондан тез-тез хабар олиб турилади. Боиси 81 ёшли Клара Константиновна мана 25 йилдан буюн болаликдан ногирон набирасига қарайди. Шу набира меҳри уни ҳаётда маҳкам ушлаб турармиш. Шаҳдам-шаҳдам юришлари, дондона гаплари ҳам шундан далолат. Бувижон муҳаббати ва метин матонати олдида бош эгмай илож йўқ. Набиранинг иқболи-саодати учун яна узоқ йиллар бор бўлинг, кўп ашанг, Клара момо, дея хайрлашдик. Фахрийликка чиққач, икки марта инсультни бошидан кечирган водиллик ҳам-

дамжон Мамажонов ҳам жамоа аъзоларини кўриб, яшариб, соғайиб кетди, десак ишонверинг. Директор Владимир Ежков ҳам севинчини ичига সিғдира олмади: Э



СУРАТДА: Шаҳардаги 6-алоқа бўлими бошлиғи Румихон РУСТАМОВА бошлиқ Илҳомжон Абдуллоев (ўртада) ва ўринбосари Абдувосит ЧИНҚОРАЕВлар.

Ҳамдам ака, дадил-дадил юрибсиз, яхши бўб қолибсизку! Хайрият, хайрият! Фарзандлар роҳатини кўринг.

Бир неча дақиқалик мулоқот, табриклар ҳамдамжонни беҳад суянтирди. Юз-кўзларига ишлаб юрган йилларидагидек жўшқинлик инди. Остонадан кетманлар

энди. Бир пиёла чойимизни ичиб кетинглар, ичкари ундайди у. Борадиган жойларимиз кўп, узр, дейди ҳамроҳларимиз.

Бир умр ҳайдовчи бўлиб ишлаган Аввал қишлоғилик Собиржон Содиқов дарвозаси олдида тўхтадик. Овоз бердик Содиқ ака! Содиқ ака! Уни яхши билган ҳайдовчимиз Турдиали ҳам Содиқ аканинг ёшини айтмоқлади. Ва ниҳоят қаҳрамонимиз чиқди. Оҳиста. Бардам. Шунда ҳам ёшини билолмади. Ҳазил-мутойибага ўчгина экан. Бирпаснинг ичига ҳазилтоифа гаплари билан ҳаммани озига қаратди. Утган-кетгандан гапириб, танишларини сўраб-сўриштирди. Кетар чоғимиз дуо қилишни ҳам унутмади. “Ёшимни сўрасанглар ҳам, сўрамасанглар ҳам айтай. 91дан ошдим. Менинг ёшимга етиб юринглар!”

Ҳанг-манг бўлиб қолдик 91дан ошдим! О қойил! Тасанно! Кексалик кимгадир ганж деб шунга айтсалар керак Бизнинг Содиқ бобо билан учрашувимиз ана шундай ажойибу антика кечди.

Саксонга бориб қолган маргилонлик Мушаррафхон она Умаралиеванинг ҳам дуоларини олишга мушарраф бўлдик: Бизни йўқласангиз, сизларнинг бандаларини қаторида қилисин. Ҳар босган қадамнингизга савоблар эзилсин. Аллоҳ рози бўлсин сизлардан... Узундан узоқ маргилонча ёқимли дуолар... Ҳар қанча бўлсин олис-олислардан ҳам машаққатлар чекиб келишга муносиб дуолар...

Фахрийликка чиққанига йигирма йил бўлган маргилонлик Борис Марухан кампи-

ри билан яшаркан. Уларга қарасангиз оқибатли кўни-кўшниллар тафтида кексаликнинг осойишта дамларини бошидан кечираётгани очик-аён сезилади. Борис Александрович миннатдорлигини қандай изҳор қилишни ҳам билолмайди: Ҳамкасблар, азизлар, қадрдонлар кам бўлманглар, дейди. Кампир бўлса дераздан мўралаб уйга чорлайди: Ичкари киринглар, ичкари киринглар!

Тақдирлар, қисматлар... Бекиёс ёшлик йилларини соҳа ривожига бахшида этган инсонларга иззат-хурмат. Хонадонларига андақкина хушбахтлик олиб кирилди. Маргилон ТБ бошланғич касба уюшмаси раиси Отабек Ҳўжамбердиевга Алижон Ҳакимов, Хусанжон Отажонов, бир жойда бўлиб қолган Юнус Тоға Мирзаев, Одижон Аҳмедов каби фахрийлар “Неча йиллар ўтиб, сени унутмай, қадр қилиб келсалар бошқача бўларкан. Оила аъзоларинг олдида бир хурматинга юзи қўшилarkan”, дейишди-ди кўзларига қувонч ёшлари тўлиб.

– Шундай. Барча шаҳар ва туманларда ҳам 78 нафар фахрий ҳамда 68 нафар кам таъминланган оилага кириб бордик, – деди филиал касба уюшмаси раиси Муроджон Азамов. – Бу гал руйхатлардан тушиб қолган фахрийларни суриштириб топиб, руйхатлаштирдик. Раҳбарият билан келишиб, қатор олижаноб вазифаларни белгилаб олдик. Мухтасар айтганда, бу каби эзгу ишларни сира қанда қилмаймиз. Давом эттираемиз.

Ҳа, хайрли ва савоб юмушлардан асло толманг, телекомчилар!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

4 | ИЛМ-ФАН ЙУТУҚЛАРИ ҲАЁТГА

МИЛЛИЙ КАШФИЁТ

Ўзбекистонда коронавирусни йўқотувчи технология яратилгани айтилмоқда. У синовлардан муваффақиятли ўтган

— Ҳавони микроб, бактерия, вируслар ва бошқа ифлосланишлардан тозалаш таъкидланган ушбу технология қачон кашф этилди?

Гулноза МИРЗАЕВА, Чилонзор тумани Санитария-эпидемиология ва осийшталлик маркази раҳбари:

— Жорий йилнинг апрел ойида муҳандисларимиз ҳаводаги микроб ва бактерияларни йўқотувчи янги инновацион технологияни яратди. Илк тажрибалар ўтказилиб, технология такомиллаштирилди. Май ойидан бошлаб интенсив синовлар, жумладан, бактерицид лампа, озонатор, ультрафиолет ва кварцларга нисбатан ҳам солиштирув ва имкониятлари текширилди. Технология унумдорлиги юқори бўлгани, вақт зикрлиги, вируснинг борган сари кўпайиши сабаб, шаҳар вирусология лабораториясида коронавирუსга қарши синов қилишга қарор қилдик.

Синовлар айнан ҳаводаги коронавирუსни йўқ қилишга мўлжалланган эди. Натижаларга қўра, муҳандисларимиз томонидан яратилган технология нафақат ҳаводаги, балки лаборатория юзидagi бактерия, микроблар ва коронавирუსни ҳам буткул йўқотди.

— Ушбу технология шу даражада самарадор бўлса, нега тезроқ оммалаштирилмади? Бунга қандай тўсиқлар бўлди?

Эргашали РАҲИМОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Физика-техника институти кичик илмий ходими:

— Ававало, ҳар қандай яратилган қурилманинг техник жиҳатдан инсон ҳаётига хавф солмаслиги текширилиши даркор.

Технологиянинг ишлаши фанга маълум бўлган озонатор тамойилига қийсаланди. Мазкур қурилма озонатор эмас, унинг ишлаш қуввати ва частота диапазони озонатордан кескин фарқ қилади. Ишлаш тамойили ионизаторниқига ўхшаш, бироқ уларнинг фарқи янги зарядланган аэронлар сингари электронлардир. Аэронларнинг инсон ҳаётига хавф солмаслиги тиббиёт, кимё, биология ва бошқа кўплаб соҳаларда ўтказилган кўп сонли тажрибаларда исботланган.

Ўтказилган синовлар ва такомиллаштирилган технологияни оддий ионизатордан фарқли равишда турли кимёвий моддалар молекулалари билан қуроллантириш ва бу билан ҳаво ҳамда сиртлардаги зарарли зарраларни (яъни, зарядланган вирус, бактерия, чанг ва бошқалар) тўтиб олиб зарарсизлантириш усулини ишлаб чиқишга олиб келди. Клиник синовлар нихоясига етмагунча, технологиянинг ишлаш тамойили борасидаги формула сирларини очмаганимиз сабабли, баъзи илм вакилларида катта қизиқиш, бошқа бирларида эса, аксинча, салбий хулосаларни уйғотиши табиий ҳолат эди. Шу боис технология буйича фикр билдирган амалий фан арбобларимизнинг аксарияти кўлаб-қувватлаган бўлса, назарий фан арбобларимиз орасида синов натижаларини кўра туриб, технология тамойилини буткул текшириб кўриб, янгилигини норасмий тан олган ҳолда, эътироз билдирганлар ҳам учради. Буларнинг бари биз учун сабоқ бўлди, қурилмани қайта ва кучайтирилган тартибдаги текширувлардан ўтказиш унинг самарали эканини яна бир бор исботлади.

— Унинг янги коронавирუსни ҳавода “ўлдирди олиши” қачон исботланди?

Доно МУҲАМЕДОВА, Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология ва осийшталлик маркази, Вирусология лабораторияси мудири:

— Пандемия бошланган пайтдаёқ ҳамюртларимиз томонидан турли технология ва дорилар буйича кўплаб муножаатлар бўлди. Ҳатто, уйга ҳам бормаи вирус тарқалишининг олдини олиш масаласида кескин иланиш ва тажрибалар ўтказдик. Май ойида бактерия ва микробларни мулқоқ бартараф этувчи, кўплаб лаборатория синовларидан ўтказилган, расмий тавсияларга эга, миллий технологияни вирусга қарши синов учун лабораториямизга олиб келишди.

Вирусология лабораторияси муайян вақт ичида дезинфекция қилиб турилади. Айнан шу фурсатда мавжуд технологиялар дезинфекциядан кейин ҳаво таркиби, иш ўринлари, ускуналар, ниқоблардан синамалар олдиқ ва коронавирუს нафақат ҳавода мулқоқ бир пайтгача, балки хонанинг барча қисми, юзларида ҳам сақланиб қолишига амин бўлдик. Шундан сўнг 30 дақиқага янги технологияни ишга тушириб, қайта синовларни ўтказдик. Бокс ичидан ташқари, барча жойлардаги коронавирუს бартараф этилганининг гувоҳи бўлдик. Бу бизлар учун катта ютуқнинг илк қадамлари эди. Олдинда кўплаб синовлар ва технологиянинг имкониятларини янада чуқурроқ ўрганиш, клиник синовларни ўтказиш натижалари турган эди.

— Технология шунчалик самарадор бўлса, ҳозир қарорларда қўлланилганми?

Бобур ҚУРБОНОВ, Тошкент шаҳар Санитария ва эпидемиология осийшталлик маркази раҳбар ўринбосари, тиббиёт фанлар номзоди:

— Яратилган технология мукамал синовлардан ўтказилган, клиник синовларнинг давом эттириш мақсадида, биринчи галда, тест олиш марказларида ўрнатилди. Жумладан: Чилонзор тумани СЭОМ, Бактериология лабораторияси, Учтепа туман тест олиш маркази, Юнусobod туман тест олиш маркази, шаҳар вирусология лабораторияси, Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология ва осийшталлик маркази, Республика санитария ва эпидемиология осийшталлик агентлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотларда фойдаланиб кўрилди. Мунтазам равишда технологиянинг кўрсаткичи ва филтрлари текшириб борилди. Барча синовлар интенсив, вақтга нисбати, ҳаво ҳарорати ўзгариши каби маълумотларга алоҳида аҳамият берилди. Мавжуд камчиликлари бартараф этилди. Ҳозирги кунда технологияни кенг қўламда ишлаб чиқариш ва татбиқ этиш масаласи ўрганилмоқда.

— Бу технологиянинг хорижда ҳам аналоглари борми?

Малика ҚУДРАТХЎЖАЕВА, Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология ва осийшталлик маркази раҳбари:

— Муҳандисларимиз томонидан ишлаб чиқилган янги миллий технологиянинг клиник синовлари давом этапти. Шу кунгача ҳам турли синовлар ўтказдик.

Жумладан, тиббиёт ходимларимизнинг карантин вақтида тестлар олиш учун манзилли чиқишларида енгил транспорт учун яратилган моделлар ҳам кескин текширилди. Самараси жуда юқори.

Ҳозирча яратилган технологиянинг чет элда аналогли йўқ, Лекин Европа, АҚШ, Россия мамлакатлари мутахассислари ҳам коронавирუსни ҳаво ва ҳаво томчилари орқали тарқалишини олдини олиш мақсадида ўхшаш технологиялар устида иш олиб боришяпти. Синовлар жараёнида чет эл фармацевтика саноати ташкилотлари томонидан технологияни сотиб олиш таклифлари ҳам тушган эди. Рад этдик, сабаби, авваламбор, мазкур технология юртимиз, халқимиз учун хизмат қилиши лозим. Ички талаблар қондирилган, чет элга реализация масалалари кўриб чиқилди.

Тез кунларда синовлар нихоясига етади. Шундан сўнг тиббиёт муассасалари, дорихона, мактаб, ошхоналар, тўйхона каби аҳоли гавжум жойларда қўлланилиши учун тавсияларни беримиз.

— Инсон танасидаги вирусни йўқотишда ёки ўрнатилган бинодо ишлаётган одамлар соғлиги учун зарарли томони йўқми? Масалан, қанчадир миқдорда нурланиш дегандек...

Раббанакул АВЕЗОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Физика-техника институти бош илмий ходими техника фанлари доктори, профессор:

— Биласизми, инсон саломатлиги ҳамда унинг ишчанлиги биофизика томонидан турли ташқи таъсирларга, яъни маълум миқдордаги зарядли зарраларга боғлиқ. Масалан, электрофорез, дарсенвал ва бошқа турдаги таъбиот-физиологик ускуналар.

Атмосферадаги маълум миқдордаги зарядли зарралар инсон ҳаёти учун фойдали ҳисобланади. Буни биринчилардан бўлиб биофизик олим Александр Чижевский аниқлаган, у ишлаб чиқарган қурилма (ионизатор) инсон фаоллигини оширади ва иммунитетини кўтаради. Ҳозирда ҳам бундай ионизаторлардан кўпгина мақсадларда фойдаланилади.

Биз яратган технология принципи шунга яқин бўлгани билан, вирусолог олимларимиз ишлаб чиққан кимёвий бирикмалар ёрдамида қайта такомиллаштирилиши вирус ва бактерияларга бўлган қарши таъсирни кескин оширди. Яратилган қурилмадан нурланиш чиқмайди, ундан кучсиз зарядланган зарралар, яъни аэронлар чиқади. Бу аэронлар турли кимёвий бирикмалар молекулалари билан бирга инсон учун хавфли эмас.

Яратилган технология бино ичидаги ксилород миқдорини ошириб, инсонларнинг ишчанлигини ҳамда иммунитетини кўтаради, уларда мавжуд турли вирус ва бактериялар тарқалишининг олдини олади.

— Технология муаллифи сифатида унинг яратилиши, ишлаш тамойили, тажриба ва натижалар ҳақида маълумот берамиз.

Олимжон ЮСУПОВ, Чилонзор тумани Санитария-эпидемиология ва осийшталлик маркази муҳандиси (технология муаллифи):

— Технология ҳаво ва сирт юзидagi зарарли моддалардан тозаланиши янги ва

замонавий тури бўлиб, хона ва биналарни чанг, бактерия, микроб, вируслар, ҳаво орқали тарқалувчи юқумли касалликларни бартараф этиш, намликни ошириш каби турли вазифаларни бажариш учун яратилган. Жараён зарядланган электронлар билан муайян формула молекуласи бирлашмаси орқали, ҳаво таркиби ёки сиртда жойлашган бактерия ва вирусларни қобикқа олиб, бартараф этади.

Мазкур технология устида иш олиб боришдан асосий мақсад, у орқали ҳаво таркибидagi зарарли моддаларни аниқлаш, электрон базага онлайн киритиш ҳамда кўп қисмидаги зарарли моддаларни аниқлаш, зарарлантирувчи жойларни аниқлаш, ҳаво орқали ушбу моддалар тарқалишининг олдини олишдан иборат эди. Юртимизга коронавирუს кириб келиши, технологияга ўзгартиришлар киритиши, вирус тузилмасини ўзига қарши ишлаб, уни электронлар орқали қобикқа олиш ва юза сатҳга чўктириб, кимёвий суяқликлар орқали дезинфекция қилишга ҳаракат қилдик. Илк синовлар бактерия ва микробларга қарши ўтказилди ҳамда биз қутилган натижаларга эришдик.

Кейинги синовларда технологияга қўшимчалар киритилиб, микроб, бактерия, вирус каби зарарли моддаларни нафақат электронлар орқали қобикқа олиш, балки электронларга бириктирилган молекулалар орқали уларни бутунлай бартараф этиш прототиби ясалди. Шаҳар вирусология лабораториясида бир неча синовлар ўтказилди. Ушбу жараёнда ҳаво таркиби ва сиртда жойлашган коронавирუსни йўқотишга эришилди.

Самарали синовлардан кейин бир неча моделлар ишлаб чиқилиб, махсус лаборатория, тест марказлари, тиббиёт автомобилларида синов кўрилди. Бунда нафақат ҳаво таркибидagi коронавирუსни бартараф этиш, балки ҳаво ва ҳаво томчилари орқали вирус тарқалишининг олдини олиш каби натижаларга ҳам эришилди. Шу билан бирга, клиник синовлар аллергияси бор фуқароларда ҳам ижобий натижаларни кўрсатди. Нафас олиш йўллари дистанцион электронлар орқали тозаланди. Ксилород билан тўйинтирилган ҳаво оқимлари нафақат коронавирус, балки бошқа аллергия, нафас қисми, ҳаво этишмаслиги каби муаммоларни бартараф этди. Коронавирус билан зарарланган фуқаро нафас чиқариш билан вирус тарқалишининг олдини олиш борасидаги циркулация жуда катта самара берди. Инсон танасидаги вирусларни дистанцион тозалаш каби ютуқларга эришилди.

Ҳозирги кунгача қўйилган ва ишлаб турган технологияларимизда нуқсон камчиликлар аниқланмади. Таклиф ва истақларни инобат олган ҳолда иккита моделда тўхталдик.

Биринчиси, катта хона, заллар ва тиббиётга боғлиқ жойлар, иккинчиси, кичик ҳамда ихчам бўлган оғис, хонадон, автомобил учун яратилган моделлар.

Олдинги моделларга нисбатан ҳозирда тайёрланаётганларидида автоматик тарзда ишлаш вақти ва танаффус регуляторлари, ҳаво босими, ташқи ва ички ҳарорат каби датчиклар ўрнатилган. Келгусида мазкур технологияни аэропорт ва чегараларда ўрнатиб, GPS орқали электрон назоратини йўлга қўйиш ниятимиз бор. Ушбу тадбиримиз юртимизга бирор бир юқумли ёки зарarli инфекция модданинг кириб келишидан огоҳ этади.

Шоҳида ИСРОИЛОВА тайёрлади



АКТдан Фойдаланиш Янада Янги Босқичга Кўтарилади

Навоий вилояти нафақат кончилик ва саноат марказларидан бири сифатида мамлакатимизда етакчи ҳудуд, балки ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларига татбиқ этиш ҳамда турли соҳаларда кўллаш борасида ҳам ўзига хос тажрибага эга. Бунда албатта мобил алоқа операторларининг хизмати алоҳида аҳамият касб этади.

“ Вилоятимиз аҳолисини бир неча йиллардан буён қийнаб келаятган, алоқа қамрови мавжуд бўлмаган Навоий – Нурота (P-57) автомобил йўли, Хатирчи туманининг олис ҳудуди Учқора, Конимех туманининг олис чўл ҳудуди Элтой, Қизилтепа туманининг ўртачўл ҳудуди Янги ҳаёт аҳоли яшаш масканларида янги станциялар ўрнатилиб, мобил алоқа қамрови ташкил этилди.

Бугун мобил алоқасиз, интернетсиз яшаш мумкин эмас. Ушбу йўналишда ишлар Навоийда жадаллик билан давом эттирилмоқда. Жорий йил якунига қадар ана шундай мобил алоқа қамрови мавжуд бўлмаган учта аҳоли масканига мобил алоқа қамровини ташкил этиш режалаштирилганиги, бугунги куннинг долзарб талаби албатта.

Фикримизни жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида вилоятда мобил алоқа сифати ва мобил интернет тезлигини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар кўламининг кенглиги билан исботламоқчимиз.

Масалан, вилоятимизда фаолият олиб бораётган мобил алоқа операторлари томонидан биринчи ярим йилликда 230та (MobiUz 56та, UzMobile 130та, Beeline 30та ва Ucell 14та) база станцияларини модернизация қилиб ишга туширилди. Мазкур база станцияларининг барчаси 3G ва 4G авлод база станциялари бўлиб, вилоятимиз ҳудудида мобил интернет тезлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, вилоятимиз аҳолисини бир неча йиллардан буён қийнаб келаятган, алоқа қамрови мавжуд бўлмаган Навоий – Нурота (P-57) автомобил йўли, Хатирчи туманининг олис ҳудуди Учқора, Конимех туманининг олис чўл ҳудуди Элтой, Қизилтепа туманининг ўртачўл ҳудуди Янги ҳаёт аҳоли яшаш масканларида янги станциялар ўрнатилиб, мобил алоқа қамрови ташкил этилди. Амалга оширилган ишлар натижа-сида ушбу ҳудудларда яшовчи аҳоли сифатли мобил алоқа ва тезкор мобил интернет хизматлари билан таъминланди.

– Бугунги кунда вилоятда мобил алоқа операторларининг

985та база станцияси ўрнатилган бўлиб, 750 мингга яқин фойдаланувчиларга хизмат кўрсатилмоқда, – дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Алишер Бўронов. – Вилоят аҳоли масканларида мобил алоқа қамрови 96,0 фоиз ва мобил интернет қамрови 85 фоизни ташкил этмоқда. 712та ижтимоий соҳа объектларини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш бўйича тасдиқланган дастурга мувофиқ, 2020 йил 1 июл ҳолатига кўра, 207та мактаб – 52 фоиз, 94та мактабгача таълим – 61 фоиз, 97та соғлиқни сақлаш муассасалари – 59 фоиз ижтимоий соҳа объектларигача 370,1 километр оптик толали алоқа линиялари қурилди.

Бугунги кунда вилоятлараро магистрал алоқа тармоғи 100 Гб/с ва туманлараро 10 Гб/с тезликда боғланган. Вилоятда кенг полсалли портлар сонини ошириш мақсадида тегишли техник қурилмалар ўрнатилиб, кенг полсалли портлар сони 55 минг портдан оширилди.

Телекоммуникация хизматлари, жумладан, мобил алоқа хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда замонавий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида вилоятлараро ва туман марказлари даражасига магистрал алоқа тармоғида кўшимча қурилмалар ўрнатиш орқали ўтказувчанлик имкониятлари тўрт баробарга, яъни вилоятлараро 400 Гб/с.гача оширилади ва туман марказлари даражасигача 40 Гб/с.гача кенгайтирилади.

Дарвоқе, вилоят шаҳар ва туманларидаги “Хайрияларни

мувофиқлаштириш марказ”ларида доимий тарзда Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги вил-о-ят бошқармаси ҳамда Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш шаҳар туман бўлимларининг 100дан зиёд волонтерлари (кўнгилли ёшлар) ихтиёрий асосда фаолият олиб бормоқдалар.

Аҳоли мурожаатлари билан тизимли ишлаш ва манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар ва туманларда очилган “Call-марказ”ларнинг 1197 қисқа рақам соат 9:00 – 17:00 орал-и-да мунтазам ишламоқда.

Call-марказларга келиб ту-шаётган мурожаатлар Навоий шаҳрида 8та рақамга йўналтирилса, қолган шаҳар ва туманларда учтадан рақамга йўналтирилмоқда. Натижада Call-марказлар кутиш тартибиде фаолият юритмай, реал вақт мобайнида келган мурожаатларни қабул қилиб, мурожаатларни тегишлилиги бўйича масъул гуруҳларга йўналтирилмоқдалар.

Юртбошимиз томонидан ил-гари сурилган бешта муҳим та-шаббус доирасида Навоий шаҳ-рида аҳоли ва ёшларни замона-вий ахборот технологиялари бўйича кўникмаларини ошириш учун ташкил этилган замонавий Рақамли технологиялар ўқув маркази ҳам 2019 йилнинг 26 ноябрдан буён фаолият юритиб келмоқда.

Бугунги кунда марказда учта йўналишда ёшларни ўқитиш ва билимларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, дастурлаш ва веб дизайн, робототехника ва киберспорт бўйича ёшларга таъ-лим берилди.

Ушбу марказда 120дан ортиқ ёшлар қисқа ва узоқ муддатли ўқув курсларига жалб этилган бўлиб, уларнинг 37 нафари ўқув курсларини муваффақиятли та-момлади. Ёшлар ва аҳолининг компютер саводхонлигини оши-ришга алоҳида эътибор берган ҳолда вилоятда 2020 йил яку-нига қадар барча шаҳар ва ту-манларда Рақамли технология-

лар ўқув марказларини очиш режалаштирилган.

Кармана туман телекомму-никациялар боғламаси ҳамда Хатирчи ва Нурота туман почта алоқаси тармоғи биноларининг бўш турган хоналарига IT-мар-казларни очиш мақсадида бино-ларда таъмирлаш ишлари якун-ланган бўлиб, жиҳозлаш иш-лари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Қизилтепа, Том-ди, Конимех ва Учқудуқ туман-ларида почта алоқаси биноси-нинг бўш турган хоналари тан-ланган бўлиб, бинони IT-марказ-га қайта ўзгартириш ва таъмир-лаш учун смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган, ҳозирда экс-пертиза қилиш учун тегишли ташкилотларга берилган. Бино-ларни таъмирлаш сарф-хаража-тининг тахминий суммаси 500 миллион сўмни ташкил этади. Шу билан бир қаторда, вил-о-ятимиз-нинг Зарафшон шаҳри ва Навба-ҳор туманларида давлат хусусий шерикчилик асосида тадбиркор-лар билан ҳамкорликда Рақам-ли технологиялар ўқув марказ-ларини очиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, мутасадди раҳ-барлар томонидан Навоий шаҳ-рида IT-Паркнинг вилоят фили-алини жойлаштириш учун бир қатор бинолар ўрганиб чиқил-ди. Ўрганиш натижаларига кўра, собиқ Навоий техника-иқтисоди-ёт касб-хунар коллежига тегиш-ли ишлаб чиқариш устaxonаси биносида IT-Парк филиалини ташкил этиш таклиф этилди. Илмга чанқоқ ёшлар эса соҳа ходимларига мотивация бериши шубҳасиз.

Демак, Навоийда ахборот-коммуникация технологиялари-дан фойдаланиш янада янги босқичга кўтарилади, замон билан ҳамнафас соҳа эгалари бу борада янги ютуқларни кўлга киритади. Бунга эса ишонч ҳам, асос ҳам етарли.

Маруся ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

6 | ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

ПРЕЗИДЕНТ ПОДПИСАЛ ДОКУМЕНТ О ЦИФРОВИЗАЦИИ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ

Президент Шавкат Мирзиёев подписал постановление, предусматривающее цифровизацию судебной власти.

Документом утверждена программа цифровизации деятельности органов судебной власти в 2020—2023 годах.

Так, с 1 января 2021 года судебные заседания будут фиксироваться посредством аудиозаписи. Есть условие: фиксировать можно при ходатайстве сторон и с согласия председательствующего.

Кроме того, с 1 июля 2021 года дела между судьями в судах апелляционной и кассационной инстанций будут распределяться автоматически.

С 1 октября 2021 года вводится порядок извещения всех участников о времени и месте судебного заседания посредством бесплатных СМС.

Документом с 1 января 2022 года судебные решения представляются сторонам в онлайн-режиме, по их просьбе — в бумажной форме.

До 1 июля 2022 года будет организовано оказание около 10 интерактивных услуг в сфере судопроизводства, а с 1 января 2023 года сдача и прием судебных дел в госархив будет производиться в электронной форме.

Постановлением утверждена «Дорожная карта», предусматривающая поэтапное подключение к информационной системе Верховного суда инфосистем 28 госорганов и организаций, в том числе виртуальной приемной президента и приемных Премьер-министра по рассмотрению обращений предпринимателей.



Согласно документу, суды будут отправлять информацию, представляемую в госорганы и организации в электронной форме. Также всю информацию, необходимую для судопроизводства, суды тоже будут получать бесплатно онлайн.

Постановлением с 1 января 2022 года внедряется Комплекс информационных систем «Адолат», который позволит:

- представлять иски, заявления и жалобы в электронной форме;
- наблюдать за процессом их рассмотрения в режиме онлайн;
- отправлять информацию и документы в электронной форме участникам судебного заседания;
- автоматически формировать судебные документы.

Постановлением до конца 2020 года Верховному суду предписано разработать мобильное приложение, дающее возмож-

ность участия в судебных заседаниях в режиме видеоконференц-связи. Кроме этого, он совместно с МВД оснастит специальные комнаты для участия в судебных заседаниях в режиме видеоконференц-связи.

Документом вводится порядок направления заявлений и обращений в Высшую школу судей через его официальный веб-сайт. Формирование рейтинга профессоров-преподавателей и слушателей, контроль подготовки кандидатов на должность судьи, а также слушателей курсов по переподготовке и повышению квалификации судей и работников аппарата судов также будет в электронной форме.

Информационная безопасность и кибербезопасность информационных систем, согласно постановлению, будет обеспечивать ГУП «Центр научно-технических и маркетинговых исследований «UNICOM.UZ».

КОРОТКО...

В TikTok обнаружили массовую публикацию видео с суицидом. Об этом рассказывают пользователи сервиса, пишет The Verge.

При этом, по словам издания, в компании осведомлены об этом, в связи с чем модераторы приложения стараются в кратчайшие сроки блокировать ролики и аккаунты. Несмотря на это, публикация видео с суицидом с различных аккаунтов только набирает обороты.

Стоит отметить, что первоначально данный видеоролик был снят в прямом эфире пользователя Facebook, а уже затем он начал появляться на сторонних ресурсах, в том числе и на TikTok.

Российский спутник «Экспресс-80» сломался в космосе всего через два месяца после запуска. Напомним, что запуск устройства состоялся в июле 2020 года с космодрома Байконур.

Об инциденте рассказало информационное агентство РИА Новости, ссылаясь на собственные источники в ракетно-космической отрасли. По данным собеседника агентства, спутник мог стать «жертвой» космического мусора. При этом другой источник заявил, что несмотря на повреждения, двигатель космического аппарата остался цел, и аппарат продолжает доведение в рабочую точку.

Ученые уже который месяц пытаются обхитрить COVID-19, используя для этого все доступные современной медицине методы. Так, например, специалистам удалось зафиксировать в реальном времени атаку человеческой клетки коронавируса. Благодаря этому эксперты смогут лучше понять поведение вируса и разработать новые препараты для лечения инфекции.

Важно понимать, что вирус не способен размножаться до тех пор, пока не окажется в клетке-хозяине. Именно она в будущем будет выступать в качестве объекта, который займется продуцированием вирусных частиц и заражением ими всего организма. Но для того, чтобы проникнуть в клетку, инфекция должна как-то связаться с ее ферментом, после чего происходит момент «открытия» своеобразных ворот в ее мембране. И именно данный процесс ученым удалось смоделировать в режиме реального времени.

Правда, авторы научной работы при этом отметили, что им удалось изучить лишь один из возможных вариантов проникновения SARS-CoV-2 в клетку-хозяина. Следующая цель специалистов — изучить и прочие возможные пути связывания коронавируса с человеческой клеткой.

Google представила стабильную версию Android 11. Ее уже могут опробовать владельцы смартфонов Google Pixel, начиная со второго поколения. Младшие модели Pixel 3a/3a XL и 4a также поддерживаются.

Во-первых, в новой ОС появились «пузырьки» чатов, обеспечивающий быстрый доступ к этим самым чатам. Во-вторых, в системе появилась родная функция записи экрана. В меню питания появились иконки управления системами умного дома. Сам собой, улучшилась безопасность системы.

Для уведомления в шторке можно выбирать повышенный приоритет, благодаря чему они будут светиться на экране в режиме AlwaysOn Display. Также теперь по умолчанию все телефоны с Android 11 будут поддерживать беспроводной режим Android Auto. Конечно, в тех автомобилях, которые поддерживают это программно и аппаратно.

ОНЛАЙН-АУКЦИОН



Е-AUKSION.UZ СТАЛ ДОСТУПЕН ЧЕРЕЗ МОБИЛЬНОЕ ПРИЛОЖЕНИЕ

Появилась возможность участвовать в онлайн-аукционах через мобильное приложение. Об этом сообщила пресс-служба Агентства по управлению государственными активами.

С помощью приложения можно:

- получить полную информацию об объектах торгов,
- легко искать объекты торгов,
- регистрироваться посредством приложения,
- подать заявку для участия в аукционе.

Пройдя регистрацию посредством приложения, пользователю необходимо активировать свой аккаунт посредством электронной почты.

Создатели отметили, что приложение пока доступно лишь для Android-смартфонов.

ИГРЫ

УЗБЕКИСТАНЦЫ МОГУТ ПРИНЯТЬ УЧАСТИЕ В ТУРНИРЕ WORLD OF TANKS. ГЛАВНЫЙ ПРИЗ — БОЛЕЕ \$1000

Открыта регистрация на турнир Brain Warrior среди фанатов компьютерной игры World of Tanks, который пройдет в Казахстане.

В отборочных матчах могут принять участие танкисты из Казахстана, Кыргызстана, Узбекистана и Таджикистана. В турнире примут участие около 400 команд.

Турнир состоит из двух отборочных этапов и онлайн-финала. Регистрироваться и участвовать можно в обоих отборочных этапах.

В финал выходят 4 команды — финалисты первого и второго отборочных турниров.


Первый отборочный турнир
Регистрация 13 августа — 23 сентября.
Игры 26 и 27 сентября.

Второй отборочный турнир
Регистрация 13 августа — 30 сентября.
Игры 3 и 4 октября.

Онлайн-финал игры пройдет 10 октября

Призовой фонд

- I место — 500 000 тенге + 100 000 на команду.
- II место — 350 000 тенге + 70 000 на команду.
- III место — 150 000 тенге + 30 000 на команду.
- IV место — 50 000 на команду.



Акбархон СОБИРХОНОВ: "ВАЗИРЛИГИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРГА, ИННОВАЦИЯЛАРГА ҲАР ДОИМ ОЧИҚ"

Бугун дунё нафақат ҳар куни, балки ҳар соатда янги ўзгариш ва кашфиётларга гувоҳ бўлмоқда. Инсониятнинг ҳозирги ривожланиш босқичига етиб келиши ҳам ана шундай ютуқлар натижасидир. Буни англаган давлат борки, ўз тадқиқотчилари, олимлари, яратувчилари, ишлаб чиқарувчилари, дизайнерларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг одамлар ҳаётини кулайлаштириш ва янада қизиқарли қиладиган лойиҳаларни ўйлаб топишига шароит яратмоқда. Ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини фаоллаштириш эса кўзланган мақсадга эришишда устуворлик бериши аниқ.

Яқин кунларда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этилаётган Technoways технологик марафонининг мақсади ҳам шу. Бугун бу ҳақда вазирлиқнинг Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази директор уринбосари Акбархон СОБИРХОНОВ билан суҳбатлашамиз.

– Сизнингча, бугуннинг ёшлари илм-фан ва яратувчанликка қай даражада қизиқмоқда? Бу йўлда Инновацион ривожланиш вазирлиги иқтидорли ёшларга қандай ёрдам беради?

– Ёшларимизда қизиқиш ва иқтидор жуда юқори. Улар янги технологияларни тез ўзлаштирмоқда. Бироқ, фаолиятим давомида асосан ёшлар билан ишлаганим учун, шуни аниқ айтишим мумкинки, уларнинг битта хатоси – ҳаммаси техник эканлиги. Яъни, яратган лойиҳасини ҳаётга қандай татбиқ этишни билмаётгани. Уларда маҳсулот турлари бўйича ишлаш, маркетингини йўлга қўйишда сусткашлик бор. Ҳозиргача қанча гуруҳлар билан ишлаган бўлсак, уларга ҳар томонлама тушунтирилди, йўл-йўриқ кўрсатилди. Мана, яқиндан бу ёшларимиз ҳам ўз маҳсулотларини бозорга олиб чи-

Кўпчилик лойиҳа қилади-да, лекин қаерга олиб чиқишни билмай боши қолади. Ёки телевидениега олиб чиқиб, намоиш этади-да, тўхтаб қолади, уни бирор йўналишга жорий қилолмайди. Шу тариқа кўп ихтирочиларимиз руҳан чўкиб қоляпти.

қиб сотишни бошлашди.

Биласизми, ўзи инновация қачон инновация бўлади?! Қачонки, яратилган лойиҳа ҳаётга жорий қилинса, сотилса, одамларга фойда келтирса... Бизнинг ёшларда иқтидор, изланувчанлик, қизиқиш баланд, жуда кўп лойиҳалар яратилипти, аммо инновация йўқ, тушунпасизми?!

Шунинг учун ҳам Technoways технологик ривожланиш марафонини йўлга қўйишга қарор қилдик.

– Навбатдаги саволимиз айнан шу марафон ҳақида эди. Талаба-ёшлар учун илк бор ташкил этилаётган ушбу лойиҳа тўғрисида қисқача маълумот берсангиз.

– Technoways технологик марафони 15-30 сентябр кунлари бўлиб ўтади. Унда талабалар, тадқиқотчилар ҳамда илмга чанқоқ иқтидорли ёшлар инновация, стартап, технология, дастурлаш бўйича билимларини ошириши, шунингдек, лойиҳалар ишлаб чиқиши ҳамда тижоратлаштириш кўникмаларини шакллантириши мумкин. Марафонда қатнашиш истагиди бўлганлар www.technoways.uz сайтида рўйхатдан ўтишлари керак.

– Назаримда, ҳаммага лойиҳа таъсисчиси ким экани ва бунга нима туртки бўлгани, яна ундан қандай мақсадлар кўзлангани ҳам қизиқ.

– Бу марафоннинг ташаббус-

корлари Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази ходимлари. Лойиҳани йўлга қўйишимизга эса жорий йил 12 июнида вазирлигимизнинг янги ва замонавий биноси очилиш маросимига Давлатимиз раҳбари ташриф буюриб, "Инновацион ривожлантириш вазирлигини бекорга талабалар шаҳарчасида қуриш бўйича топшириқ бермадим. Мазкур вазирлик барча олий таълим муассасаларидаги талабаларни бир ерга бирлаштирадиган жой бўлсин. Бу уларнинг уйи бўлиши керак", деган фикрлари асос бўлди дейиш мумкин. Эндиликда карантин тадбирлари анча юмшатиладиган фойдаланиб, қизиқиши ва иқтидори бор талабаларимизга улар учун яратилган шарт-шароитларни кўрсатиш фурсати етиб, ушбу марафонни ташкил қилаймиз.

Бош мақсадимиз ёшларнинг иқтидорини юзага чиқариш ва улардан тўғри фойдаланиш. Очиғи, бизга шу керак. Энди икки ҳафталик дастуримизга келсак, бошида уч кун талабаларга инновация нима, стартап нима, акселерация, тижоратлаштириш нима, яна қайси лойиҳадан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатамиз. Шунингдек, ушбу соҳада ютуққа эришган мутахассислар томонидан семинар-тренинглр, воркшоплар ўтилади. Тўртинчи кундан эса улар жамоаларга бўлинади ва картинг зона, лабораторияларимиздан фойдаланишни бошлашади. Мутахассислар томонидан базавий билимлар берилади. Ва биз бунга параллел равишда муаммо тақдим этамиз. Улар шу муаммоларни ўз инновацион лойиҳалари билан ечишга ҳаракат қилишади. 15-куни эса жамоалар "Бизнес ангеллар"га лойиҳалари тақдимотини ўтказишади. Яна бир муҳим жиҳати, битта соҳадаги болалар бир-бири билан танишади, билим олади, тажриба алмашади.

– Марафонга бутун республика ёшлари қамраб олиндики ёки?..

– Албатта, марафонда бутун республикамиз талаба-ёшлари қатнашиши мумкин. Фақат ҳозирча пандемия сабаб онлайн рўйхатдан ўтганлар орасидан



50 нафар талабани танлаб олишга мажбуримиз. Сараланганлар марафонни бизнинг бинода ўтказишади. Қолганлар эса онлайн шаклда иштирок этишади. Улар учун ҳам онлайн дарслар, семинар ва тренинглр ташкил этилади.

– Лойиҳа самарадорлигини олдиндан баҳолаш мумкинми? Масалан, қанчалик натижа бериши маълум бир мезонларга солиб кўрилади-ми?

– Шу вақтгача олиб борган фаолиятимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, кутилган натижани бериши аниқ. Юқорида таъкидлаганимдек, бизнинг ёшлар жуда иқтидорли ва яратувчан. Фақат улар лойиҳасидан қандай фойда қуриши, унинг босқичларидан ўтиши, қай тариха сотишни билишмайди. Биз эса бундай ихтирочиларга йўл-йўриқ кўрсатиб, туртки беришимиз керак. Масалан, кўпчилик лойиҳа қилади-да, лекин қаерга олиб чиқишни билмай боши қолади. Ёки телевидениега олиб чиқиб, намоиш этади-да, тўхтаб қолади, уни бирор йўналишга жорий қилолмайди. Шу тариқа кўп ихтирочиларимиз руҳан чўкиб қоляпти. Миясига: "Э, барибир ҳеч ким бизга эътибор қилмайди. Лойиҳамизга ҳеч ким қизиқмайди", деган ўйлар ўрнашяпти. Мана, Инновацион ривожланиш вазирлиги нима учун ташкил этилди? Яъни, биз давлат ташкилоти сифатида уларга йўл кўрсатишимиз, янгиликларга, инновацияларга ҳар доим очик эканлигимизни ҳис қилдиришимиз керак.

Шунингдек, уларга лойиҳани тижоратлаштириш зарурлигини аниқлашимиз даркор. Масалан, бир бола жуда зўр лойиҳа қилди дейлик. Лекин у одамларга фойда келтирмаса, ҳаётга татбиқ этилмаса, ҳеч кимга керак эмас, тўғрими? Бироқ ўша бола кашфиётчи, унда иқтидор бор, агар биз бу қобилиятни тўғри йўналтирсак, мисол учун, "Сен шу нарсани кашф қилибсан, баракалла,

лекин мана бу йўналишда олиб борсанг, ҳаётга татбиқ қилинади, яхши сотасан, яъни тижоратлаштириш бўлади", деб тушунтирсак, шундагина биз ҳам у боладан ўринли фойдаланган бўлаемиз, ҳам иқтисодий самарадорликка эришамиз.

– Бу марафондан кейин ёш ихтирочиларимизни яна нималар кутмоқда?

– Икки ҳафталик марафон давомида ёшларимиз маркетингни, лойиҳа яратишни, таҳлил қилишни ўрганишади ва олтига жуда мукамал ҳамда замонавий лабораторияларимиздан фойдаланишади. Яна бунга параллел равишда лойиҳалар берамиз, улар устида ишлашади. Жараён якунига етгач эса уларга "Бизнес ангеллар" томонидан лойиҳа учун унча катта бўлмаган миқдорда маблағ ажратилади. Масалан, 50 нафар талаба танлаб олган бўлсак, уларни беш нафардан бўлиб, ўнта жамоа тузамиз. Мутахассисларимиз ҳар бир жамоага бир йил давомида менторлик қилишади. Яъни, лойиҳаларини тижоратлаштиришга бўлган жараёнда ҳар доим йўл-йўриқ кўрсатиб, кўмаклашиб турилади.

– Бу лойиҳа ҳали бошланиши, тўғрими? Яқин келажакда олдинда яна қандай режалар бор?

– Тўғри, бу янги очилган вазирлигимизда энди йўлга қўйилаётган лойиҳа. Ва биз унинг давоми бўлишига ишонимиз, бунинг учун бор кучимизни ишга соламиз. Ҳозирча ҳам карантин сабаб, ҳам камчиликларимизни, ютуқларимизни ўрганиш учун 50 нафар боладан бошлаётган бўлсак, кейинчалик марафонимизда юзлаб, минглаб ёшлар иштирокини таъминламоқчимиз. Ҳали олдинда қиладиган ишлар, режалар кўп. Хуллас, мазкур лойиҳадан мақсадимиз жуда катта.

Шоҳида ИСРОИЛОВА
суҳбатлашди

8 ТАЛАБАНИНГ КУНДАЛИГИДАН

– Тўғриси айтинг, Мадина, Норчаев кимингиз бўлади? – дея сўради. Мен ҳам жиддий жавоб бердим:
– Танаймайман, рости.
– Айтаверинг, сир бўлиб қолади...



ФАМИЛИЯНИНГ “КУЧИ”

Ёз ойлари эди. Дугонам билан олийгоҳга ҳужжат топширгани бордик. Шу кунимизни, навбат кўплиги боис, қабул бўлимида қаритдик. Эртага келалик десак, қабул кунининг сўнгиси эди. Ҳамма асабийлашган, чарчаган... Ниҳоят навбат менга етди. Шу вақт бино йўлагидан тушиб келаётган басавлат киши нигоҳини менга қараб, “Фамилиядош эканмизку, синглим”, деди. Индамайгина бошимни иргаб қўйдим. Яна менга ишора қилиб, “Ҳам битта вилоятдан эканмиз”, деб қўшиб қўйди. Аслида бу воқеани тезда унутгандим. Чунки Қашқадарёда бу фамилия тез-тез бўлмаса-да учраб туради. Имтиҳонлар муваффақиятли ўтди. Талаба бўлдим!

Уқиш бошланди... ҳаяжонлиб илк дарсга келдим, кўнгилдагидек! Эртаси кундан дарсга кирган ўқитувчилар биз билан таниша бошлашди. Бири:

– Мен Фалончиева Фалончи, сизларга шу фондан дарс ўтаман. Сизлар билан ҳам танишиб олсак. Журнал буйича ўқийман, қайси вилоятдансиз, ўртамаксус таълимни қаерда олгансиз, бу мутахассисликка қизиқишингиз ва муносабатларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз. Шу билан танишиб оламиз, – деди мулойимлик билан.

Навбат билан ҳамма гапира бошлади. Мен рўйхатнинг анча охиригадир бўлганим боис бемалол ўтирдим. Талабалар ўзларининг манзили ва орзулари ҳақида гал бермай сўзлай бошлади. Ниҳоят, навбат каминанага келди. Ўқитувчи исм-фамилиями ўқиб менга бошдан оёқ қараб чиқди. Тушунмайман, ҳайронман...

– Мен транспорт коллежини битирганман. Бу ерга анча вақт тайёрлиб келганман, – десам устоз менга қараб – “Қашқадарёдан-а” дейди.

– Ҳа, – дедим дадиллик билан.

Эртасига яна янги кирган устоз шундай қилди.

Бир ўқитувчи жуда очиққўн-гил экан. Менга навбат келганда: – Декан билан қариндошмисиз? – деб сўради.

– Йўуқ, танаймайман – дедим ҳайратланиб.

– Битта вилоятдан экансиз-

ларку, айтаверинг, – деди кулгу босган юзларини яширмай... Лип этиб хаёлимдан қабул жараёнидаги суҳбат ўтди. Оббо, буларни қандай ишонтираман энди, деб ўйлай бошладим. Шу билан курсдошларимиз менга бошқача муомала қиладиган бўлди.

Ниҳоят йил яримлаб, сессия бошланди. Инглиз тилидан уч, тўрт курсдош баҳо ололмайд юргандик, бир ўқитувчи дарсга кириб, “Ўқиб баҳо олсанглар бўлмайди, менинг олдимга домлалардан юборасизлар, уялмайсизларми?” – дея биздан норози бўлиб роса гапирди. Шу вақтда ким бундай қилганини, ўртага қайси ўқитувчи тушганини билмасдик. Дарс тугагач курсдошларим “Бизга ҳам ёрдам қилинг, Норчаева”, – дея ёнимга кела бошлади. Мен нима бўлаётганини тушунмасдик. Бир куни ошхонада ёлғиз қаҳва ичиб ўтирсам, пойтахтлик курсдошим келиб қолди. Исмимиз адаш бўлганига, бир-биримизни анча яқин олардик. Суҳбат сўнгига у жиддий гап айтмоқчидек менга тикилди.

– Тўғриси айтинг, Мадина, Норчаев кимингиз бўлади? – дея сўради. Мен ҳам жиддий жавоб бердим:

– Танаймайман, рости.

– Айтаверинг, сир бўлиб қолади, – деди янада қизиқсиниб. Ишонмаслигини сезиб кулиб қўйдим. Аммо, энг қизиғи шундаки, Норчаев бизнинг эмас, бошқа факултетнинг декани бўлиб чиқди.

Шу кунларда ижодий фаолиятимизда бир семинар ташкил қилинадиган бўлди. Тўрт кунлик сафарга кетишимиз лозим эди. Деканнинг ёнига рухсат учун масъул ташкилотлар юборган хат билан кирдим. Деканнинг хатни ўқиб менга бишир бошдан оёқ қараб чиқди. “Мен жавоб беролмайман, ректоратга боринг, ҳа, айтганча, исми-гиз нима эди?” деди худди шундай оҳангда. Яна хатни қайтадан ўқий бошлади. Ва индамайгина кетишимга рухсат берди... Тадбир яхши ўтди, ҳам ижодий, ҳам ҳаётий таассуротларга бой бўлди. Шу билан дарсга қайтсам, гуруҳ сардоримиз мамнуният билан ҳайдалишга рўйхат қилинган талабалар сафида эканимни айтди.

– Қайси айбим учун? дея ҳазилга олишга уринаман.

– Кафедрага учрашинг, гуруҳ раҳбаримиз ҳам кутиб турибди, – деди нигоҳини яна менга қадаб.

Кафедрага бордим. Гуруҳ раҳбаримиз бирам ҳадиксирайди. Аммо мен баҳоларимни тўғирлашга ваъда бердим кўнглини юмшатиб. Кейин деканатга бордим.

– Нима масала? – дейди мени ҳали “Норчаева” эканини билмаган деканатдагилар.

– Шу, очесленяга бериб-сизлар, келдим, – дедим.

– Биринчи курсмисиз? – дея

– Ҳа, айтганча. Мен Норчаевни қариндоши эмасман. Агар ҳайдаладиган бўлсам ҳам у орага тушмайди, кутмангизлар, – дедим эшикдан чиқаётиб.

сўради декан муовини.

– Ҳа, – дедим яна ўша оҳангда.

– Фамилиян-гиз нима? – дея мен ва очеслена рўйхатдошларимни бир-бир ўқийди.

– Норчаева! – дедим дадиллик ва бироз киноя билан. Шу вақт кутанмидек хонадаги бошқа ўқитувчилар ҳам менга ўғирилди.

– Нега бир ойда шунча соат дарс қолдирдингиз?

– Семинарга кетгандим. Хат топширганман. Деканнинг хабари бор эди, – дедим.

Таассуфки, бизнинг рухсатномамиз девонхонада манзилини адаштирган экан. Шунинг учун мени ўқишдан четлатмоқчи ё жиддий оғоҳлантириш бермоқчи бўлишган экан-да.

– Ҳа, айтганча. Мен Норчаевни қариндоши эмасман. Агар ҳайдаладиган бўлсам ҳам у орага тушмайди, кутмангизлар, – дедим эшикдан чиқаётиб.

Аваллига ўқитувчилар ҳайрон қолишди. Кейин эса бир-бирларига кўзойнак остидан қараб кўйганликларини кўрдим. Шундай қилиб хат эгасини топиб келди. Ва мени ўқишдан ҳайдашмайди диган бўлишди. Яна дарсларга кира бошладим. Қарангки, курсдошлар орасида ўқишимни қайта тиклашга ёрдам берган одам ҳам Норчаев бўлиб қолган экан. Сабрим тугаб юрган кунларимдан бири эди. Яна бир курсдошим, четга олиб:

– Тўғриси айтинг, Норчаев кимингиз бўлади, – деб сўради.

– Отамнинг укаси, – дедим қутулдим.

Мадина НОРЧАЕВА

– **Биринчи курсмисиз? – дея сўради декан муовини.**
– **Ҳа, – дедим яна ўша оҳангда.**
– **Фамилиян-гиз нима? – дея мен ва очеслена рўйхатдошларимни бир-бир ўқийди.**
– **Норчаева! – дедим дадиллик ва бироз киноя билан. Шу вақт кутанмидек хонадаги бошқа ўқитувчилар ҳам менга ўғирилди.**

"СИЁСАТ, АҚШ ТАЖРИБАСИ, "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" ҲАҚИДА ЎЙЛАР..."

Қўшма Штатлардаги сиёсий тадқиқотчи Икромжон Тўхтасинов билан суҳбат

“Хориждаги ватандошлар” доирасидаги интервьюларни давом эттирармиз. Бу галги суҳбатдошимиз Америка Қўшма Штатларидаги Иллинойс университети докторантура босқичида таҳсил олаётган ҳамюртимиз Икромжон Тўхтасинов бўлди. Қаҳрамонимиз Наманган шаҳрида туғилган. 2017 йил Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг “Жаҳон сиёсати” йўналиши, 2019 йил АҚШдаги нуфузли Notre Dame университетининг “Халқаро муносабатлар” йўналиши магистратура босқичини тамомлаган.

— Икромжон нима учун ҳозир айнан Қўшма Штатлардасиз, суҳбатни шундан бошласак?

— Тўғриси айтганда, бунга ўнлаб сабабларни келтиришим мумкин. Лекин, энг асосий сабаблардан бири АҚШда юқори сифатли таълимнинг мавжудлиги бўлган. Ана шу таълимдан баҳраманд бўлиш учун ҳам бу ерга келдим.

Қарийб уч йилдан бери Чикагода истиқомат қиляпман. Ўтган йили Чикагода жойлашган Notre Dame университетининг “Халқаро муносабатлар” йўналиши магистратура босқичини тамомладим. Ҳозир Урбана-Шампейн шаҳридаги Иллинойс университети докторантура босқичида таҳсилни давом эттиряпман. Университет тахминан 50 минг талабага таълим беради ва Қўшма Штатлардаги йирик илмий маскан ҳисобланади.


Очиғи бу ерга келиб кучли рақобат туфайли синовларда яхшигина тобландим. Чунки, ҳаёт бу ерда сизни аяб ўтирмайди, тўхтаб қолишга ҳақингиз йўқ. Харажатлар ҳам тўхтамайди. Шунинг учун меҳнатдан қочмаслигингиз лозим. Бироқ бошлаши доим қийин кечади. Аммо озгина вақт ўтиб, мослашиб олганингиздан кейин кўп нарса осонлашади. Бу ерда қанча кўп меҳнат қилсангиз, шунча кўп даромад топа olasiz. Яъни, малакали ишчи бўлсангиз, малакаси ишчига нисбатан кўпроқ маош беришади. Бу эса, ўз навбатида, таълим олиш ва ўз устингизда узлуksiz ишлашга иштиёқ бағишлайди.

— Докторантурадаги илмий ишингиз мавзуси қандай?

— Докторантура дастури АҚШда Ўзбекистондан фарқли равишда нисбатан узокроқ давом этади. Илмий иш мавзуси ҳам одатда 2-3 йил соҳа бўйича турли фанларни ўқиб, имтиҳонлардан ўтгандан кейингина танланади. Албатта, илмий ишнинг умумий ғояси аввалдан бўлгани яхши. Ўзимда ҳам бир қанча ғоялар мавжуд. Лекин, келажакда бутунлай ўзгариб кетиши ҳам мумкин. Умумий қилиб айтганда эса, Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодиётига алоқадор бўладиган ва амалий аҳамиятга эга актуал мавзу танлашни истайман.

— Сизда сиёсатшунослик таълими бўйича Ўзбекистондаги камчиликлар ва уларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар борми?

— Сиёсатшунослик таълими бўйича юртимизда ижобий ўзгаришлар бор. Аммо муаммолар ҳам етарли. Масалан, ўзим ўқиган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида таълим жараёнида асосан халқаро муносабатлар ва дипломатияга кўпроқ эътибор қаратиларди. Аслида эса, сиёсатшунослик соҳа сифатида жуда кенг. Ички сиёсатдаги муаммоларни ўрганиш ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. Ташқи сиёсат бўйича юртимиздаги олимлар ёзган мақолаларни кўплаб учратиш мумкиндир, бироқ айнан ички сиёсат бўйича илмий ишлар нисбатан камроқ назаримда. Ҳаттоки, менга хорижий тадқиқотчилар томонидан ички сиёсат ҳақида ёзилган материаллар кўпроқдек туйилади.



Одатда, илмий иш учун манба ва маълумот жуда муҳим. Юртимизда давлат идоралари аста-секин очикроқ бўлиб борар экан, ички сиёсат тўғрисидаги илмий ишларнинг кўпайишига ва кенг оммага тақдим этилишига умид билдираман.

Шунингдек, сиёсатшуносликда давлат бошқарувининг бўлиниш тамойиллари мавжуд экан, ички сиёсат тўғрисидаги таълимнинг ҳам шу тамойилга асосланган. Парламент қонун чиқаради, ижро ҳоқими яти унинг ижроси билан шуғулланади ва суд тизими қонунларни шарҳлаб, адолатни таъминлайди. Ўзбекистонда мазкур тамойил амалиётда тўла ишларини хоҳлаб қолардим. Чунки қонун устуворлиги тараққиёт мезони эканлиги саноқсиз илмий ишларда иботланган. Бир сўз билан айтганда, ривожланишнинг ягона йўли шу.

— Ўзбекистонда АҚШнинг қандай тажрибаларини кўллаш яхши самара беради?

— Бу саволга жавоб бериш бироз қийин. Чунки бир томондан Ўзбекистон ва АҚШ бошқабошқа минтақаларда жойлашган. Урф-одат, маданият, халқларимиз ўртасидаги дунёқарашлар ҳам турлича. Шунинг учун АҚШда муваффақият қозонган қандайдир ғоя Ўзбекистонда ҳам аниқ ютуқ олиб келади, деб бўлмайди. Лекин, умумий қилиб айтганда, АҚШнинг узок йиллик тарихига назар солиб, демократия, эркинлик, инсон ҳуқуқлари ва очиклик сиёсати

мамлакат ривожланишида муҳим омил бўлган, деб айта оламман. Бу элементар назариядек туйилиши мумкин. Аммо аслини олганда энг фундаментал ғоялар айнан шулардир.

— Сўнги вақтлар лекционимизда пайдо бўлган “Янги Ўзбекистон”нинг келажagini қандай тасаввур қиласиз?

— Очиғи, чет элда ва айниқса ривожланган давлатда турволиб баландпарвоз гапларни айтишни хоҳламадим. Бироқ, сиёсатшунос тадқиқотчи сифатида юртимиздаги мавжуд муаммоларни тан оламан ва қисқа вақтда эришилган ютуқларни эса олқишлайман. Муҳими, ислохотлар учун устувор йўналишлар белгилаб олинди. Энди уларни амалга ошириш учун бузиб бўлмас тамойилларни ҳам белгилаб олинса яхши бўларди. Чунки, кўплаб қабул қилинаётган қарорлар ижроси маҳаллий даражага тушганида оқсаб қоляпти. Шундай экан, эътиборни қилинган ишларга эмас, қилиниши лозим бўлган масалаларга қаратиш зарур.

Аслида Ўзбекистон яшаш учун бебаҳо маскан, келажакимиз Ўзбекистондан узокда тасаввур қиллолмайман. Аммо мен тасаввур қиладиган “Янги Ўзбекистон” муаммолардан холи, афзалликлари фақат ўзбекистонликлар учун шунчаки она ватан сифатида эмас, ҳар қандай инсонга қулай яшаш жойи сифатида шакллانган давлат бўлиши керак.

— Бўш вақтларингизда нималар билан машғул бўласиз?

— Бу ерда вақт жуда тез ўтади. Магистратурада ўқиш пайти бўш вақтим деярли бўлмас эди. Агар бўш вақт бўлиб қолса, сайр қилишни ёқтирардим. Одамлар билан суҳбатда бўлиш ҳам завқ бағишларди. Футбол ўйнаш эса ҳам жисмонан, ҳам маънан ёрдам беради. Коронавирус пандемияси туфайли буларнинг кўпи йўқ бўлди. Шу сабаб, уйда ўтирганда ўзимни фойдали ишлар билан банд қилишга ҳаракат қиляпман. Асосан мутахасссигимга оид илмий мақолаларни ва таҳлилий материалларни ўқияпман. Ундан ташқари, халқаро муносабатлар, иқтисод ва бадий асарлар ўқиш ҳам кундалик иш-режама киритилган.

Бу борада бир одатим бор. Бир китобни тугатиб иккинчисини бошлаб эмас, балки бир вақтнинг ўзида бир нечта китобларни мутолаа қилишни яхши кўраман. Масалан, автомобилимда ўқийдиган, ухладан олдин ва концентрациям тўла бўлганда ўқийдиган китобларим мавжуд. Шу сабабдан бир қанча китобларни бирдан бошлаб кўяман.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Мақсадим илмий соҳа билан боғлиқ. Умид қиламанки, илмий ишлар ва ғоялар орқали жамиятга фойдаси тегадиган мутахасссис бўламан.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ суҳбатлашди

Бир китобни тугатиб иккинчисини бошлаб эмас, балки бир вақтнинг ўзида бир нечта китобларни мутолаа қилишни яхши кўраман.


10 | МУТОЛАА ЗАВҚИ

Буюк файласуф Цицерон: “Китобсиз уй – жонсиз танадай гап”, – деган ҳикматли фикр билдирган. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир хонадонда оилавий кутубхона бўлиши керак. Гўдак улгая бораркан, уй жавонида фақат чинни, биллур матоҳларнигина эмас, балки китобларни ҳам кўрса, уларга интилса, меҳр қўйса, шаксиз келажақда у жамиятга керакли инсон бўлиб етишади.

КИТОБЛАР ЖОНСИЗ, АММО СОДИҚ ДЎСТЛАРДИР

Шуниси қизиқки, XXI аср бошида олимлар инсониятнинг 2000 йиллик тарихидаги қайси бир кашфиётни ихтиронинг энг буюғи деб эътироф этиш бўйича мунозара қилдилар. Дастлаб 350 ихтиро танлаб олинди, кейин бу 150тага туширилди. Улар орасида айрим пайғамбарлардан тортиб Нютону Эйнштейнгача бор эди. Ниҳоят, узоқ тортишувлардан сўнг немис олими Иоганн Гуттенберг инсоният тарихидаги буюк олим ва унинг китоб босиш мосламаси энг зўр ихтиро, деб эътироф этилди. Бугун бир неча ўн, балки юз баробар такомиллашган ушбу мосламанинг шарофатидан китоб жавонларимиз-у кутубхоналар китоблар билан тўлган. Масала эса – ўқиш. Ўз навбатида, “ўқимишли” бўлиш мақсадида фақат ва фақат ўқишнинг ўзи кифоя қилмайди.

“Китоб ўқиш маданияти” дейиладиган нозик бир тор борки, унда ҳар ким ўз дидига ва дунёқарошига мос куй чалади. Бу ижронинг ҳам бир неча турлари бор, кимдир шу тор чалиниши керак бўлган учунгина қўлига “чолғу” олса, яна кимдир шунчаки дам олиш учун уни эрмак деб билади. Яна бир тоифа инсонлар борки, улар чин маънода бу тордан чиқадиган куй завқни ҳис қилиб, таассу-



ротларини бошқаларга ҳам улаша оладиганлардир.

Китобхонлик, энг аввало, ҳар кимнинг ўз дидига боғлиқ. Кўнглингизга ёққан китоб энг яхши китобдир. Унутмангки, шунчаки китобни яқунлаш билан китоб очилган вақтда қўйилган мақсадга етиб бўлмайди. XX аср дунё адабиётининг машҳур адибларидан Герман Гессенинг жаҳон адабиётшунослари томонидан юксак баҳоланган “Китоблар сеҳри” асаридан парча келтираман: “Кўпчилик китоб ўқишни билмайди ва кўп кишилар нима учун ўқиётганини тузукроқ англамайди...”

...Шунчаки дам олиш, вақтни ўтказишни истасан китобхон китобда кўнглини поқловчи, руҳий юксалтирувчи номаълум бир кучни сезади. Бироқ, бу кучни аниқ тасаввур этмайди ва баҳолмай олмади. Улар тиббиётдан мутлақо беҳабар хасталарга ўхшайди, яъни айнан қайси дори керак эканлигини тушунмай ҳар бир қутидигидан татиб кўра бошлайди. Аслида, ўқиш борасида ҳам ҳар бир киши ўзи учун зарур бўлган, янги куч ва руҳий таъсир берадиган китобларни танлай олиши керак. Ҳар бир китобхонга қанақа китоб ўқиш ва сотиб олиш борасида мустақам маслаҳат, қоидани кўрсатиб бўлмайди.

Бу ишда ҳар бир киши ўз дид ва билимига суянмоғи даркор.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда “оммавий китобхонлик” ёйилмоқда десам, муболағали ўхшатиш бўлмайди менимча. Адолат, рағбат, қонунлар каби мезонларнинг тобора мустақамланиб бораётгани ёш-у қарининг қўлида китоб кўришимизга сабаб бўлаётгандир балки. Бунинг ёрқин мисоли Президентимизнинг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини самарали ташкиллаштиришга қаратилган бешта муҳим ташаббуси” дастурининг тўртинчи ташаббуси – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилганлигидир. Унга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очилган ҳам белгиланган...

Бу ишлар давомли, албатта. Гюю айтганидек: “Китоблар жонсиз, аммо содиқ дўстлардир”. Биз эса ҳаммаша содиқ дўстимизни доимий йўлдош қилсак, у бизга ўз сирларини очишдан тўхтамайди. Маънавий камолотнинг кафолати бўлган бу хазина кишини тўғри яшаш ва ҳаётда ўзига мос ўрин танлаб олишга ўргатувчи дарслик ҳамда инсон учун энг беминнат дўстдир. Чунки ундан исталган вақтда фойдаланишимиз мумкин. Бинобарин, китоблар сизга ҳеч қандай шарт қўймайди. Шу боисдан ҳам китоб ўтмишни, бугун ва эртани боғлаб турувчи кучли воситадир.

Даврон ЭРҒАШЕВ,
Шароф Рашидов туманидаги
29-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

АФОРИЗМЛАР

Сўнги саҳифаларини ўқиётганинг-да унинг яхши китоб эканини ҳис қилсанг, демек яна бир янги дўст билан хайрлашишга тўғри келади.

Паул СВИНЕЙ

Яхши китоб ўқиб лаззатланмаган инсонни у хоҳ эркак ёки аёл бўлсин, соғлом дейиш хато.

Жейн АУСТИН

Саводли бўла туриб китоб ўқимаган кишининг саводсиздан фарқи йўқ.

Маънан етук китобларни танлаб ўқи. Акс ҳолда, бир даста қоғоз ҳаётингни заҳарлаши мумкин.

Китобга тўла уйнинг файзи шу қадарки, уларни арақламай туриб, сен ўзингни улардаги донолик шарбатини симираётгандек ҳис қиласан.

Марк ТВЕН

Китоб ўқишга одатланмаган кишига ишонма.

Лемони Сникет

Китобдек ақлли ва содиқ дўст йўқ.

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

Шоҳона, бироқ кутубхонасиз уйга ачинаман.

Жейн Остин

Кўпчилик одамлар жонсиз деб билган китоб уларга қанчалик саводсиз эканликларини исботлаб бера олади.

Оскар Уайлд

Қашшоқ бўлсам ҳам китоб харид қиламан. Бундан ортиб қолган пулга эса егулик ёки кийим-кечак сотиб оламан.

Эразм Роттердамус

Китоб ўқиш учун икки асос бор: биринчиси – сен бундан роҳатланасан. Иккинчиси эса – сен бу билан мақтаншинг мумкин.

Бертранд Рассел

Кичкина бўлса ҳам, боғинг ва кутубхонанг бўлса – сен бошқа ҳеч нарсага муҳтож эмассан.

Цицерон

Агар сиз ўқишни хоҳлаган китоб ҳали ёзилмаган бўлса, демек уни ёзишни бошлашингиз керак.

Моррисон

Менга мен ҳали ўқиб улгурмаган китобни берган инсон мен учун қадрли дўстдир.

Абрахам Линколн

Агар уйингизда китоб учун жавон бўлмаса, сиз билан суҳбатлашиш бефойда ва мен буни рад этаман.

Терри Пратчет

Бувимнинг айтишича, Худо китобни одамлар хато қилиб, афсус чекмасликлари учун тухфа қилган экан.

Жон Баюр

Аслида ҳеч қайси мебел китобчалик мафтункор эмас.


Сидней Смит



ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

1. Дунёдаги илк китоблар икки минг йил олдин пайдо бўлган. Улар дарахт ва шам эритмасидан тайёрланган. Аммо Присс қўлёзмаси деб номланган қадимий китоб беш ярим минг йил олдин папирус ёрдамида ёзилган экан.
2. Дунё бўйича жами 130 миллионга китоб мавжуд. Бу китобларнинг донаси эмас, асарлар миқдори асосида ҳисоб-китоб қилинган.
3. Энг сирли китоб сифатида Войнич қўлёзмаси эътироф этилади. Бу китобда қайсидир ўсимлик ҳақида сўз боради. Бироқ китоб инсоният тарихида мавжуд бўлмаган тилда ёзилгани боис олимлар ҳали ҳануз уни ўқий олишмаяпти.
4. Дунёдаги энг қиммат китоб “Лестер мажмуаси” деб номланиб, Леонардо да Винчи қаламга мансуб. Китоб кимовиди савдосида Билл Гейтсга 24 миллион долларга сотилган. Ажабланарлиси, ушбу китобни кўзгу ёрдамисиз ўқиб бўлмайди.
5. “Минг бир кеча” эртагини деярли барчамиз ўқиб чиққанмиз. Аммо бир нарсани билмаймиз. Китобнинг дастлаб чоп этилган вариантида Оловиддин араб эмас, хитой сифатида тасвирланган.
6. Л.Жэрролнинг “Алиса мўъжизалар мамлақатида” китоби сотуви Хитойда қатъиян тақиқлаб қўйилган. Бунга асардаги ҳайвонларнинг ҳам инсон тилида гапириши сабаб қилиб кўрсатилган.
7. Хорвард кутубхонасида тўрт дона китоб сақланади. Айтишларича, бу китоблар одам терисидан тайёрланган экан.
8. “Робинзон Крузо” асарининг давоми ҳам бор. Унда худди ўша биринчи асардаги қаҳрамон иккинчи мартаба кема ҳалокати туфайли кимсасиз оролга тушиб қолади ва минг турли мушкулотларга дуч келган қўйи қуруқлик орқали уйига етиб олади. Қуруқлик эса Россия худуди ҳисобланади.
9. Дунёда китоб чоп этиш технологияси пайдо бўлгандан бери, жами 2 миллиардга яқин китоб нашр этилган.
10. Илк роман сифатида бир минг йилча олдин Японияда битилган “Гэндзи қиссаси” тан олинган.

ПАНДЕМИЯ, МАКТАБ, ЎҚУВЧИ



Мана, ниҳоят, олти ойдан сўнг ўқувчилар жонажон мактабларига қайтишди. Янги 2020/2021 ўқув йили расман жорий йилнинг 14 сентябр кунидан бошланса-да, болаларда кўникма пайдо қилиш учун ҳам улар 7 сентябр кунидан мактабга чиқишди.

Мутахассислар нималарни тавсия қилади?

Бу пайтгача республиканинг барча вилоятларида санитария хизмати марказлари мактабларнинг янги ўқув йилига тайёрлик ҳолатини ўрганиб, жамоага қўшимча ўқув-тренинглар ўтказди, бундай тренинглар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Пандемия даврида ўқувчиларнинг мактабга қайтиши интернет тармоқларида жуда кўп муҳокамаларга сабаб бўлди. Ва Халқ таълими вазирлиги томонидан сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровнома орқали маълум бўлдики, 5 миллион 500 минг нафар ота-онадан 76 фоизи таълим жараёнини мактабга қатнаган ҳолда, яъни аънанавий шаклда олиб бориш тарафдори бўлган, 24 фоизи эса масофавий шаклда – теледарслар орқали давом эттиришни маъқул кўришган.

Айни пайтда бутун дунё коронавирус пандемияси билан боғлиқ баъзи қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Ҳозирги вақтда олдимизда болаларимизга ўқув йилининг бошланиши билан боғлиқ психологик тўсиқларни енгиш вази-фаси турибди. Таълим икки хил шаклда бўлишини инобатга олсак, икки ҳолатда ҳам болалар қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади. Биринчи ҳолда, унинг синфдошлари одатдагидек мактабга бориши билан боғлиқ, бошқа ҳолатда, боланинг яқин дўсти масофадан туриб ўқиши. Ноқулайликнинг бундай сабаблари жуда кўп. Ота-оналар ва ўқитувчиларнинг вази-фаси эса болага қийин инқироз ҳолатида ёрдам беришидир.

Узоқ таътилдан сўнг...

Психологлар бундай узоқ карантиндан чиқиш учун вақт (камида уч ҳафта) талаб этилишини инобатга олиб, ота-оналар боланинг ҳиссий ҳолатига эътибор беришини алоҳида таъкидлайди. Ота-оналар ўз фарзандларида ўтказиб юборилган вақт давомидаги ўзлаштира олмаганларига етишиб олиш учун пайдо бўлиши мумкин бўлган стрессни енгишга ёрдам беришлари керак.

Халқ таълими вазирлиги биринчи ўқиш ҳафтасини ташкил этиш бўйича ва масофадан ўқитиш шаклини танлаган ота-оналар учун тавсиялар ишлаб чиқди:

Фарзандингизга ўқиш ва дам олиш вақтини тақсимлашда ёрдам беринг. Мактабдан кейин бола албатта дам олиши, овқатланиши ва шундан кейингина уй вази-фасини бажаришни бошлаши керак. Унга ёзма ва озгаки топшириқларни бажаришни алмаштириб туришини ва улар орасида қисқа танаффуслар қилиши кераклигини айтинг. Бошланғич синф ўқувчилари ўз диққатларини 10-

15 дақиқа давомида битта топшириқни бажариш учун жамлашлари мумкин. Битта машғулот айнан шунча вақт давом этиши керак.

Боланинг телевизор олдида ва компютерда ўтказадиган вақтини чекланг – бу машғулотлар нафақат дам олишга ёрдам бермайди, балки танани чарчатаяди.

Фарзандингиз ухлагга эрта ётишини назорат қилинг. Доимий равишда уйкуга тўймаслик чарчоқни, ёмон кайфиятни ва диққатнинг тарқоқ бўлишини келтириб чиқаради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар камида 10 соат, ўспиринлар эса 9 соат ухлашлари кераклигини унутманг.

Карантин таътилидан кейин бола мактабда ёмон баҳо олиши мумкин. Унга танбех бермасликка ҳаракат қилинг, бунга сабри бўлинг. Доимий танбехлар туфайли ўғлингиз ёки қизингизнинг ўзларига, ўз имкониятларига бўлган ишончини йўқотишига йўл қўйманг.

Муайян вазиятда қандай муносабат билдиришни билмасангиз, ўзингизни боланинг ўрнига қўйинг. Ўз болалигингизни эсланг ва фарзандларингизни бахтли хотиралардан маҳрум қилманг.

Масофадан ўқитиш шаклини танлаган бўлсангиз...

Аввало, сиз ўзингиз ва болангиз учун одатий кун тартибини белгилаб, унга риоя қилишингиз керак (ухлаш ва уйғониш вақти, дарсларнинг бошланиш вақти, уларнинг давомийлиги, “танаффуслар” ва бошқалар).

Кундалик ҳаётнинг кескин ўзгариши боланинг мослашиш имкониятларида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқариши ҳамда керакسىз стресс ва зўриқишларга олиб келиши мумкин.

Ота-оналар ва боланинг оила аъзолари содир бўлаётган воқеаларга хотиржам, адекват муносабатни сақлашга ҳаракат қилишлари муҳимдир.

Боланинг ҳиссий ҳолати тўғридан-тўғри катталар (ота-оналар, қариндошлар) ҳолатига боғлиқ, бошқа мамлакатлардаги ота-оналарнинг тажрибаси шунини кўрсатадики, ўзини изоляция қилиш тартибига мослашиш учун бироз вақт керак бўлади ва бу нормал жараён ҳисобланади.

Ўзингизни хотиржам тутинг, вазмин бўлинг, болаларнинг вирусга оид саволларига жавоб беришдан қочманг ва ҳоҳсо, аммо пандемия ҳолати ва унинг хавф-

хатарлари ҳақида узоқ мунозараларга шўнгиманг.

Болалар учун масофавий таълимни ташкил этиш бўйича мактабдан олган тавсияларингизни яхши тушуниб олишга ҳаракат қилинг.

Сиз фақат синф ўқитувчиси ва мактаб маъмуриятидан олган расмий маълумотларга амал қилинг.


Ушбу жараёни ташкил этишда мактаб маъмурияти учун ҳам вақт талаб этилади, шунинг учун сизнинг бу вазиятни тушунган ҳолда муносабат билдиришингиз бебаҳо ёрдам бўлиши мумкин, бу эса таълим сифатига ижобий таъсир қилади.

Намунавий дарс жадвали ишлаб чиқилди

Мазкур дарс жадвали асосида умумтаълим мактабларининг навбатчилиги (сменаси), ўқувчи ўрни, синфлар ва ўқитувчилар сонидан келиб чиқиб, ушбу намунавий жадвалга мослаштирилган ҳолда дарс жадвалини тузиш тавсия этилади.

Дарс жадвалини тузишда қуйидаги талабларга эътибор қаратилади. Жумладан, бир вақтнинг ўзида ўқувчилар кўп тўпланмаслиги ва тирбандликни олдини олиш учун дарс машғулотларининг бошланиш вақтлари белгиланади (бошланғич синфлар учун 8-00да, 5-8-синфлар учун 8-30да, 9-1-синфлар учун 9-00да).

Ўқувчиларнинг соғлигини ҳимоялаш, ижтимоий масофани сақлаган ҳолда ортиқча мулоқот қилишларини олдини олиш мақсадида, жисмоний тарбия, чақирикча қадар бошланғич ҳарбий тайёргарлик, мусиқа маданияти, тасвирий санъат ва чизмачилик, технология ҳамда тарбия фанлари ўқув йили бошида вақтинчалик ўтилиши тавсия этилмайди.



ушбу фанлар масофавий таълим шаклидаги телевизион дарслар орқали ўзлаштириб борилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур фанлардан дарс бераётган ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи тўлиқ сақлаб қолинади ва улар мактабдаги ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларга жалб этилади.

Танаффус вақтларида санитар-гигиеник талабларга риоя этиш, ижтимоий масофани сақлаш ва ўқувчиларнинг ўзаро мулоқотини чеклаш мақсадида дарслар орқалигида кўнгироклар чалиш тавсия этилмайди, танаффус вақтларида бир вақтда ўқувчилар тўпланишига йўл қўйилмайди.

Дарслар орасида 5 дақиқалик танаффус берилади, шунингдек, бошланғич синфда 2-соат дарсидан кейин, 5-11-синфларда 3-соат дарсидан кейин 10 дақиқалик катта танаффус, сменалар орқалигида эса 30 дақиқа тозалаш учун вақт берилади.

Масофавий шаклда таълим олаётган ўқувчилар учун телевизион дарслар жадвали жорий йилнинг 10 сентябрдан бошлаб вазирликнинг расмий сайти ва ижтимоий тармоқдаги саҳифалари орқали эълон қилиб борилади.

45 дақиқа дарс ва хавфсиз таълим

Ўқувчиларнинг хавфсиз таълим олишлари учун соғлиқни сақлаш вази-рлиги эса қуйидаги талабларни кўяди. Бу талабларни онгли равишда бажариш ўғил-қизларимизнинг соғлигини кафолатлайди.

Синфларда дарс ўтиш жараёнида болалар ниқобларда бўлиши, ниқоблар ҳар 2-3 соатда алмаштирилиши, 2 метрдан ортиқ масофани сақлаш, қўлларни со-вунлаб ювиш ёки антисептик воситалар билан ишлов бериш имконияти яратилиши шарт.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бир синфда ўтирган болалар 45 дақиқа дарс давомида, кун бўйи 3-4та фан ўтилса, албатта, вирус юкламаси кўпайиши мумкин. Бундай ҳолатларда хоналар кунига 3-4 мартадан кўп шамоллатилиши, кун якунида хоналар ва йўлақлар дезинфекция воситалари қўшилган эритмалар билан дезинфекцияланиши назорат қилиниши лозим.

Агар болаларнинг барчаси белгиланган санитария қоидаларига риоя қилинса, мактабда ёки уйга келиши билан имкон қадар тез-тез томоқ чайиб турилса — вирус юкламаси янада камайиши мумкин.

Интернет материаллари асосида Барно СУЛТОНОВА тайёрлади

12 | АЛОҚА ОЛАМИДА.



КИДИРУВ ТИЗИМЛАРИ

“ЙЎЛДОШ” УЧМАДИ — КИДИРУВ ТИЗИМИ ЁПИЛДИ

“Спутник кидирув портали” компанияси (“Ростелеком” шўъбаси) 26 миллион доллар сарфланган ўз кидирув тизими — “Спутник”ни ёпишга қарор қилди.


Лойиҳанинг бош саҳифасида компаниянинг фақат бошқа ишланмаларига ҳаволалар сақлаб қолинган: корпоратив браузер, “Маълумотлар интеллектуал таҳлили лабораторияси” тизими ҳамда корпоратив кидирув.

“Спутник” 2014 йил май ойида ишга туширилганди, шу номдаги браузер эса ўша йил сентябрида тақдим этилган. Икки йил давомида лойиҳага 2 млрд. рублдан ортиқ маблағ сарфланган. 2017 йилда эса “Ростелеком” кидирув тизими ва браузерни ривожлантиришга яна 260 млн. рублдан ортиқ харажат қилди. Шунча меҳнат ва харажатларга қарамастан, “Спутник” Россия интернет-кидирув бозорига 1 фоизлик ҳам улушга эга бўла олмади.



СМАРТФОНЛАР

ЯНГИ “АЙФОН” ТАҚДИМОТИ САНАСИ МАЪЛУМ БЎЛДИ



Apple компанияси янги маҳсулотлари катта тақдимотини ўтказишини маълум қилди. Маълумотга кўра, катта тақдимотда янги — iPhone 12 ҳам таништирилади.

Компания сайтидаги маълумотга кўра, тақдимот 15 сентябрга (Тинч океани вақти билан) белгиланган. Аммо купертиноликлар айнан қайси моделлар тақдим этилишини маълум қилишмаган.

Экспертларга кўра, смартфонлардан ташқари, янги iPad, Apple Watch, шунингдек, iOS 14 амалий тизимнинг бошланғич таққими ҳам шу кунга омма эътиборига ҳавола этилиши мумкин.

РЕБРЕНДИНГ

ЯРИМ АСРДА УЧИНЧИ МАРТА — INTEL ЛОГОТИПНИ ЯНГИЛАДИ

Intel компанияси охириги йилларда процессорлар чиқаришда қатор мураккаб вазиятларга тушиб қолди. Муаммолар гирдобидан чиқиб кетиш учун компания кадрлар сиёсатини олиб борди, ребрендинг ўтказди. Соҳа гиганти ўзининг 51 йиллик тарихида бу ишга учинчи марта қўл урди.

Эллипс шаклидаги машҳур ўша логотип энди тарихга айланди — ўрнини оддий, ортиқча ҳошиялардан холи Intel сўзи кўринишидаги белги эгаллади. Янги логотип ёрқинроқ рангларда чиқарилди, бундан мақсад компания фақат чиплар чиқариш билан шугullanмаслигини кўрсатиш.

Умуман олганда, бу Intelнинг тўртинчи логотипи. Бундан олдингисидан 2006 йилдан бери фойдаланиш бошланганди. Биринчиси 1969 йилда чиққан. Машҳур Intel Inside 1991 йилда татбиқ этилган, 2006 йилга келиб inside сўзи олиб ташланганди.

Бугунги кунга келиб Intel компютер процессорлари бозорига яққоқимликни йўқотган. Бир томондан AMD, иккинчи томондан ARM процессорлари жиддий рақобатчиларга айланган. Айниқса, энг оғриқли зарбани Apple компанияси берди: Intel чипларидан воз кечиб, компютер ва ноутбукларига ўз ишланмаси ARM-процессорларни ўрната бошлади.



АМАЛИЙ ТИЗИМЛАР



WINDOWS XP ҲАМОН МИЛЛИОНЛАБ КОМПЬЮТЕРЛАРДА ИШЛАТИЛЯПТИ

Миллионлаб фойдаланувчилар Windows XP амалий тизимларини ҳамон ишлатмоқда. NetMarketShare хабарига кўра, 2014 йилда расман тўхтатилган Windows XPнинг бозордаги улуши ҳозир — 1,26 фоиз. Бу жиҳатдан у Windows 8 (0,57 фоиз), Chrome OS (0,42 фоиз), Windows Vista (0,12 фоиз) каби ўзидан кейин чиқарилган тизимлардан олдинда.

2001 йилда тақдим этилган Windows XP 25,2 миллионга компютерда ҳамон ишламоқда. Солиштириш учун: дунёда 2 млрддан зиёд компютер ва ноутбуклар бор.

Энг оммалашган тизим-сервис эса — Windows 10, унинг турли талқинлари дунёдаги 60 фоиздан ортиқ компютер қурилмаларини ишлатиб турибди.

БИЗНЕС

МАСК ДУНЁНИНГ ЭНГ БОЙ БЕШ КИШИСИ РЎЙХАТИДАН ЧИҚИБ НЕТДИ

Tesla компанияси асосчиси ва раҳбари Элон Маск компанияси акциялари қадрсизланиши оқибатида салкам 10 млрд. доллар йўқотди. Forbes Real-Time рейтингига кўра, тадбиркор дунёнинг энг бош беш инсони рўйхатидан чиқиб кетиб, энди еттинчи ўринни банд этиб турибди.

Акцияларнинг қадрсизланиши Маскни 9,9 миллиард доллардан ёки бойликларининг 11,29 фоизидан маҳрум этди.

8 сентябр куни бўлиб ўтган NASDAQ биржаси савдоларида Tesla акциялари 18 фоиздан кўпроққа қадрсизланди — қимматбахо қоғозлар қиймати 418,32 доллардан 337,9 долларга тушган.

Бўнга S&P Dow Jones Indices кўмитаси электромобиллар ишлаб чиқарувчисини S&P 500 индексига киритмагани сабаб бўлгани айтилмоқда. S&P 500 — АҚШдаги энг муҳим фонд индексларидан бири саналиб, унга энг йирик, ликвидлик даражаси юқори, кўрсаткичлари ишончли ва барқарор компаниялар киритилади.

Айни пайтда Teslaни сармоядорлар учун энг хавфли компания деб ҳисоблашмоқда.



ХАВФСИЗЛИК



“МАТЛИ БОМБА” ANDROID ҲАМДА IOSДАГИ МЕССЕНЖЕРЛАРНИ “ЎЛДИРМОҚДА”!

Қурилмаларнинг иш фаолиятини бузувчи “матли бомба”лар — муайян белгилар тизмалари (комбинациялари) бор. WABetaInfo нашрининг ёзишича, айни пайтда WhatsApp мессенжерини ишдан чиқарувчи шунақа белгилар жамланмаса тарқалмоқда. Бу галги “матли бомба” ҳам Android, ҳам iOS тизимида ишлаётган иловаларни бирдек “ўлдирмоқда”.

Хавфли хабар шунчаки ғалати белгиларнинг тасодифий жамланмасига ўхшайди. Лекин уни WhatsApp орқали сизга юборишса тамом — мессенжер ўчиб қолади. Иловани қайта ёқман десангиз — барибир у яна ўша белгиларни кўради ва яна ўчиб қолаверади.


Мазкур киберҳужумга учраган WhatsAppни тиклашнинг иккита усули бор:

Қурилмангиздан WhatsApp иловасини ўчириб, уни олдинги ёзишмаларни синхронизация қилмасдан қайта ўрнатасиз. Бунда сизнинг олдинги барча чатларингиз ҳам йўқолади, лекин мессенжер жамонаси “матли бомба” муаммосини бартараф этганидан сўнг чатларингизни “булутли” сервердан қайта тиклаб олангиз бўлади.

Компютердаги WhatsApp версиясини очиб, ўша “матли бомба” келган хабарни ўчириб ташлаш. Лекин бунинг учун ўша зиёнкор хабар келмасидан олдин компютерингиз (ёки ноутбукнингиз)га бу мессенжернинг десктоп версиясини ўрнатиб қўйган бўлишингиз лозим. Зеро, унда аккаунтингизга кириш учун смартфонингиздаги WhatsApp орқали тасдиқлаш талаб этилади; “матли бомба” келганидан сўнг эса бунинг имкони қолмайди.

Булардан ташқари, шунчаки бир неча кун давомида WhatsAppни очмай туравериш ҳам мумкин. Мессенжер жамонаси бу орада “матли бомба” муаммосини бартараф этувчи янгилашни чиқарса, кейин иловани янгилаб, сўнг очсангиз — ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.



ТОВУШДАН ТЕЗ УЧОҚЛАР ПОЙГАСИ

Қудратли давлатлар рақобатда бир-биридан қолишмаяпти

Дунёдаги ўзаро рақиб кучлар товушдан тез самолётларнинг зўрини яшаш учун бор-будини тиккан – АҚШ, Россия ва Хитой кузлаётган учоқ товуш тезлигидан беш баробар тез уади. “Профессионал фаолиятимни тез учар қурилмаларга бағишладим”, дейди Reaction Engines компаниясининг АҚШдаги амалиётлари раҳбари Адам Диссел.

Reaction Engines британ компанияси мавжуд реактив моторлар дош беролмай эриб кетадиган шароитларда, бош айлантирар юқори тезликда ишлайдиган моторларни ясамоқда. Компания товушдан беш баробар, яъни 6400 км/соат ёки 5 мах тезликда учишга эришмоқчи. Мақсад – 2030 йилгача юқори тезликда учувчи йўловчи транспортни яратиш. “У 5 мах тезликка чиқмайди, 4,5 мах бўлади, шуниси физик томондан қулай, – дейди жаноб Диссел. – Бундай тезликда Лондондан Сиднейга 4 соатда ёки Лос Анжелесдан Токиога 2 соатда етиб бориш мумкин”.

Шундай бўлса-да, товушдан тез парвозлар учун қилинаётган тадқиқотлар фуқаролик авиацияси учун эмас. У ҳарбий эҳтиёжлардан туртки олмақда. Кейинги йилларда бу соҳада ишлар анча жадаллашган.

“Тизимлар парки”

Британиялик физик Жеймс Эктон Вашингтондаги Халқаро Тинчлик учун Карнеги Фондида ишлайди. У АҚШ, Хитой ва Россиянинг товушдан тез қуроллар буйича ишларини ўрганган. “Чизмалар доқасида бутун бошли товушдан тез тизимлар парки бор, – дейди у. 5 мах тезликда юзага келадиган қизишга дош берадиган моддалар топлиши ва яна бир қанча технологиялар Ер атмосферасида товушдан тез парвоз қилиш имконини бермоқда”.

Товушдан тез учувчи қурилмалар устидаги тажрибалар Американинг 1960 йиллардаги Х 15 ракетоплани

билан бошланган. Қўтълараро баллистик ракеталар (ҚБР) ҳам товушдан жуда юқори тезликда атмосферага киради. Ҳозирда ўзаро рақиб кучлар очиқ фазонинг совутовчи таъсиридан фойдаланмаган ҳолда атмосферанинг ўзида ҳаракатланадиган, кўзгалмас объектларни нишонга олувчи ҚБРлардан фарқи ўлароқ, ҳаракатланувчи объектларни ҳам нишонга олувчи қуролларни яратиш пайида.

Авиабардор қотиллари


Бу соҳадаги уч асосий ўйинчининг катта ҳарбий харажатлари товушдан тез қурилмалар мукамаллашувини тезлаштирмоқда.

Пентагоннинг охириги медиа брифингида, АҚШ мудофаа вазиригидаги товушдан тез қуроллар буйича ёрдамчи директор Майк Уайт “айни соҳадаги ривожланиш бизнинг қудратли рақибларимиз ва уларнинг мавқеимизга даҳл қилиши шарофатидан” бўлаётганини айтди. Товушдан тез ракеталарнинг аниқлигини таъминлаш асосий синов бўлиб турибди.

Хитойнинг “авиабардор қотиллари” деб аталувчи товушдан тез ракеталари АҚШ авиаташувчи кемаларининг Хитой қирғоқларидан узокроқда, Тинч океани ўртасида туришга мажбур қилмоқда. Аммо соатига 50 км. тезликда ҳаракатланадиган, ядро қуроли бўлган авиабардорларни нишонга олиш 5 мах тезликда учувчи ракеталардан нозик манёврлар қила олишни талаб қилади.

Товушдан юқори тезликда учганда ракета қобиги қизиб, унинг атрофида плазма ёки газсимон модда ҳосил бўлади. Бу эса ташқаридан, масалан, коммуникация йўлдошидан келадиган сигналларни тўсиб қўяди ва ҳаракатланаётган объектни нишонга олувчи ички тизимларни ҳам “қўр” қилиши мумкин. Плазма юқори ҳарорат бўлган жойдагина тўпланади.

Конус шаклидаги ракета бир текисда плазма билан қопланади. Аммо силлиқ қанотли ракеталарда плазма ўта сезгир антенналар жойлашган юзадан сурилиб, нари кетади.



Наҳанг жағи

Товушдан тез парвоз мураккаблиги камлик қилгандек, кимёвий парчаланиш муаммони янада чуқурлаштиради. Ўта юқори тезлик ва ҳарорат килород молекуларининг атомларга парчаланишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳаводан “нафас олувчи” моторларнинг кимёвий таркибини янада мураккаблаштиради.

Товушдан тез қурилмалар учун мусобақа суръати ниҳоятда жадаллашди. 2010 йили АҚШ наҳанг жағи олувчи сиз учоқни Тинч океани узра товушдан юқори тезликда 5 дақиқа учирди. Мақсад фақат тезлик эмас, балки вақт ҳам эди. Беш дақиқа узок парвоз вақтидек туюлмалиги мумкин, аммо товушдан юқори тезлик тўсиғини енгиш масаласида бу галаба эди.

Бу учқур машина – Х 51А баланд учувчи В 52 бомбалоғи учоғидан ташланди ва у ракета тезлатгичи ёрдамида асосий мотор ишга тушгунча 4,5 мах тезликка эришди. Унинг мотори ҳаво оқимини ўзига олади ва ундаги килороддан оксидловчи сифатида фойдаланади, шу билан тезлигини янада оширади.

Бу шуни англатадики, бир неча дақиқа ичида ичкарига кираётган ҳаво оқими ҳарорати 1000 даража целсийга қилади. Тўртта Х 51А 2010 ва 2013 йилларда Тинч океани узра парвоз қилди.

Лавадек қайноқ

Sabre мотори 2019 йили Колорадода жуда кучли интенсив синовдан ўтди. Бу синовда товушдан тез ҳаво ҳаракатини сунъий ҳосил қилиш керак бўлди. Синовда мотор бир ерга қотирилди ва кучли портлаш кўринишидаги ҳаво оқими унга йўналтирилди.

Sabrening бошланғич совутиш қисми ишни удалади. Бу ерда талаб қилинадиган материаллар оддий эмас эди. Спеис Шатлда уни Ер атмосферасига киришда ҳаво қаршилиги билан қизиб кетишидан химоялови юқори ҳароратга бардошли композит панеллардан фойдаланилган эди. Аммо бу қисмлар парвозлар орасида жиддий қайта таъмирлашни талаб қилар эдики, тижорий транспорт учун бу жуда қимматга тушарди.

Муқобил ёндашувга кўра эса, Inconel деб аталган никел аралашган қоришмадан фойдаланиш керак, у лавадек қизиган ҳаво оқимига ҳам бардош бера олиши мумкин. Жаноб Диссел айтишича, Reaction Engines ҳозирда ана шу Inconelдан фойдаланмоқда. “Ҳозирча шу ҳолатдаммиз, шунингдек, иссиқни қичариб юборадиган совутовчи каналлар ҳам мавжуд, – дейди у. – Inconel ва иссиқликни бошқариш тизими олдинга йўл кўрсатади”.



БМТ: “Яманда уруш жиноятлари содир этилган”

БМТ Яманда Эрон қўллаб-қувватлаётган исёнчи ҳусийлар, шунингдек, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амириклари уруш жиноятларини содир этгани борасида ишончли далиллар борлигини маълум қилди.

Халқаро ташкилот маълумотида кўра, ҳусийлар ўнлаб ёш қизларга жинсий тажовуз қилган. Ўғил болаларни эса қуролли тўқнашувларда қатнашишга жалб этган, улар ораси-

да ҳатто 7 ёшли болалар ҳам бўлган. Бу болалар камбағаллар яшайдиган маҳаллалардан ёки мактаблардан олиб қочилган. Шунингдек, БМТ ҳузурдаги Халқаро Яман гуруҳи тайёрлаган сўнгги ҳисоботда Саудия Арабистони ва БАА аскарлари Яманда кўп сонли уруш жиноятларини содир этган бўлиши мумкинлиги, урушда шу пайтгача 112 минг киши ҳалок бўлган ва улардан қарийб 12 минг нафари тинч аҳоли вакиллари эканлиги айтилган.

Эслатиб ўтамиз, Ямандаги уруш олти йилдан бери давом этапти. Саудия Арабистони бошчилигидаги халқаро коалиция бу урушда ҳусийларга қарши Яман ҳукуматиға ёрдам беряпти.

Исроилликлар яна намоийшда: “Бош вазир кетсин!”

Минглаб исроилликлар бош вазир Биньямин Нетаняхунинг Қуддусдаги қароргоҳи олдида йиғилиб,

ҳукуматнинг истеъфосини талаб қилди. Мамлакатда норозилик намоийшлари бир неча ҳафтадан бери тинмаяпти. Euronews хабарида айтилишича, шанба кунги намоийш коронавирус билан боғлиқ эпидемиологик вазият ёмонлашган паллага тўғри келди: Исроил аҳоли жон бошига тўғри келадиган янги касалланиш ҳолатлари буйича дунёда биринчи ўринга чиқди.

Исроил шаҳарларидаги намоийшлар одатда тинч ўтляпти, бироқ шанба кунги намоийшчилар полиция билан тўқнашди. Камида 13 киши ҳибсга олинган. Намоийшчилар бош вазирни коррупцияда, ҳукуматни эса коронавирусга қарши нотўғри курашаётгани оқибатида ишсизликка сабаб бўлишда айбламоқда.

Биньямин Нетаняхуга қарши жиноят иши қўзғатилган. Суд жараёни коронавирус эпидемияси туфайли бир неча бор кечиктирилди. Бош вазирнинг ўзи барча айбловларни инкор қилапти.

“Кечирасиз, бўғиляпман”: Франция президенти ўзини ёмон ҳис қилди

Франция президенти Эммануэл Макрон Оверндаги лицей ўқувчилари билан учрашув пайтида ўзини ёмон ҳис қилган, дея хабар берди France Info.

Йиғилганлар олдида нутқ сўзлар экан Макрон бирдан йўтала бошлаган ва ниқобини ечган. “Кечирасиз, бўғиляпман”, – дея президент бир стакан сув ва “енгилроқ ниқоб” беришларини сўраган.



Интернет материаллари асосида У. ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади



Роалд ДАЛ
(Британ ёзувчиси,
1916–1990)



(Ҳикоя)

ПОЛКОВНИКНИНГ СОВФАСИ

(Охири. Бошланиши
ўтган сонларда.)

Миссис Биксби эндигина "хўп", дейиш учун оғиз очмоқчи эди, вақтида ўзини тўхтатиб қолди. Ломбард хўжайини у билан эрининг олдида эски танишлардек сўрашиши ахшиликка олиб келмасди.

– Йўқ, – деди у. – Боргим келмай қолди. Ундан кўра, уйда кутиб ўтираман. У икковимиздан биримизга керакли буюм бўлади, деб умид қиламан.

– Энди ўзингга келдинг, – деди мистер Биксби. – Агар эллик доллар сарфлашга арзимайдиган буюм бўлса олмайман.

– Ахир ўзинг у қимматбаҳо буюм, деб айтдинг-ку.

– Шундай эканлигига шубҳам йўқ. Қўрқма.

– О, Сирил, сабрим чидамаяпти.

Ниҳоят, душанба ҳам келди ва нонуштадан сўнг миссис Биксби эрини кузатиб қолди.

– Кўп ишлама, – деди у.

– Бўпти.

– Уйга олтида келасанми?

– Ҳаракат қиламан.

– Ломбардга киришга улгурасанми?

– Ие, эсимдан чиқай дебди! Бўпти, таксида бораман. Йўлим экан.

– Чиптани йўқотиб қўймадингми?

– Йўқ, – деди эри камзули чўнтагини пайпасларкан. – Мана.

– Пулинг етадимми?

– Етади.

– Жоним, – деди у эрининг шусиз ҳам тўғри турган бўйинбогини тўғриларкан. – Агар менга ёқадиган бирор нарса бўлса, уйга кўнгирак қиларсан?

– Майли.

Бир соатдан сўнг телефон жиринлаганида миссис Биксби учиб бориб гўшакни кўтарди.

– Иш битди! – деди мистер Биксби.

– Шунақами? Нима экан,

Сирил? Яхши нарсами?

– Яхши?! – хитоб қилди эри.

– Зўр! Кўрсанг, ақлдан озасан!

– Жоним, нима экан?

Айтақол!

– Омадинг келди.

– Демак, менбоп нарса экан-да?

– Албатта. Ҳайронман,

қандай қилиб шундай нарсами

эллик доллар учун гаровга қўйишган экан? Ақлдан озган

одам, шекилли.

– Сирил! Сабр косамни

тўлдирма! Ортиқ чидолмайман!

– Кўрсанг ақлдан озасан.

– Нима экан?

– Ўзинг топ-чи.

Миссис Биксби жим

бўлиб қолди: "Эҳтиёт бўл, –

деди у ўзига ўзи. – Жудаям

эҳтиёт бўл".

– Маржон, – деди у.

– Йўқ.

– Бриллиант узук.

– Йўқ. Сал учини чиқараман.

У қишда керак бўлади.

– Қишда нима керак

бўлади? Бирорта қалпоқми?

– Йўқ, қалпоқ эмас, – деди

эри кулиб.

– Худо ҳаққи, Сирил!

Нимага айтмаяпсан?

– Чунки сенга сюрприз

қилмоқчиман. Кечкурун олсан.

– Ҳеч қандай сюрприз

керакмас! – портлади у. –

Ҳозирок олдингга бораман!

– Менимча, кераги йўқ.

– Бу нимаси, азизим? Нега?

– Чунки жуда бандман.

Вақтимни олсан. Шусиз ҳам

ишим чўзилиб кетди.

– Унда тушлик пайтида

борайин, хўпми?

– Мен тушлик қилмайман.

Майли, бир яримда кел. Бўпти.

Соат ролпа-роса бир

яримда Миссис Биксби эри-

нинг ишхонасига келди. Оқ

халат кийган эри уни кутиб

олди.

– О, Сирил! Ҳаяжонланиб

кетяпман!

– Ўзингни бос. Аммо-лекин,

омадинг бор экан!

У хотинини жарроҳлик

хонасига бошлади.

– Тушликка бораверинг, мисс Палтни, – деди у ёрдамчисига. – Ишингизни келиб давом эттирасиз.

У қизнинг чиқиб кетишини

кутиб турди, кийимлари

турадиган шкаф олдида келди

ва кўрсаткич бармоғини чўзди

– У бу ерда, – деди у. –

Энди эса кўзингни юм.

Миссис Биксби кўзларини

юмди. У чуқур нафас олди ва

эри шкафни очиб, унинг

ичидан нимадир олганини

эшитди.

– Бўлди! Қарашинг мумкин!

– Оҳ, кўрқиб кетяпман, –

деди у куларкан.

– Қара.

У ҳиринглаб, бир кўзини

очиб, қўлида ниманидир

баланд кўтариб турган эрини

кўрди.

– Норка! – қичқирди эри. –

Ҳақиқий норка! Мана шу

сўзлар баробарида миссис

Биксбининг кўзлари катта-

катта очилди ва у мўйна

палтони кучиш учун олдинга

ташланди.

Лекин ҳеч қандай палто йўқ

эди. Эрининг қўлида унинг

ўрнида сариқ рангли мўйна

ёқа турарди.

– Мана, ол, – деди эри уни

силкитиб.

Миссис Биксби оғзини

кафти билан ёпди ва секин

чайқала бошлади. "Ҳозир

чинқириб юбораман, – ўйлади

у. – Йўқ, Ҳозир чинқириб

юбораман".

– Нима гап, азизам?

Ёқадими? – Эри ёқани

силкитишни бас қилиб, унинг

тилга киришини кутди.

– Йўқ... нимага... – деди

миссис Биксби. – Мен... мен...

менимча... жудаям чиройли.

– Қувончдан бошинг

айланяпти, шекилли?

– Ҳа, албатта.

– Олий нав, – деди эри. –

Ранги ҳам зўр. Биласанми,

нима? Менимча, у камида

икки-уч юз доллар туради.

– Ҳа.

Бу бошлари ва панжалари

осилиб турган иккита норка териси эди.

– Қани, – деди эри, –

кўрайлик-чи. У яқинлашиб,

ёқани хотинининг бўйнига

ташлади ва ортига тисарилди. –

Қойил. Сенга жуда ярашди. Ҳар

қандай аёлда ҳам бундай

нарса йўқ, азизам.

– Ҳа.

– Буни тақиб дўконга борма.

Сени пулдор деб ўйлаб,

нархни қиммат айтишлари

мумкин.

– Буни ёдимда сақлайман,

Сирил.

– Айтганча, Рождествога

бошқа совғадан умид қилмай

қўяқол. Усиз ҳам, эллик доллар

сарфладим.

У қўлини ювиш учун

ўғтирилди.

– Энди эса, азизам, бора-

қол. Сени кузатиб кўярдим-у

қабулхонада қария Гормен

ўтирибди.

Миссис Биксби эшик томон

қадам ташлади. "Бу судхўрни

ўлдираман, – ўйларди у. –

ҳозирок ломбардга бориб,

мана бу лаънати ёқани унинг

юзига улоқтираман. Менга

палтони қайтариб бермай

кўрсин. Мана шу қўлларим

билан бўғиб ўлдираман!".

– Сенга кечроқ боришимни

айтдимми? – сўради Сирил

Биксби қўлини юваркан.

– Йўқ.

– Саккиз яримларда бора-

ман. Ёки тўққизда.

– Бўпти, – миссис Биксби

эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб

кетди.

Айни шу лаҳзада мисс

Палтни, эрининг ёрдамчиси

тушликка чиқиб кетаётганди.

– Бугун ажойиб кун бўля-

ти, а? – деди у жилмайиб.

Унинг қадам ташлашида

ғаройиб енгиллик бор эди ва у

Полковник миссис Биксбига

совға қилган норка палтода

худди қиролчалардек кўри-

нарди.

Русчадан
Дилшодбек АСҚАРОВ
таржимаси

РАҚАМЛАШТИРИШ – ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИ ВОСИТАСИ



Мамлакатимизда аҳоли сони кундан кунга ўсиб бормоқда, иқтисодийёт ривожланиб, давлатимизнинг очкилик сиёсати натижасида инвесторларнинг юртимизга бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда, тадбиркорларимиз эса имкон қадар ўз маҳсулотларини чет элларга экспорт қилишмоқда, бу борада фуқаро ва тадбиркорлар ўртасида турли кўринишдаги муносабатлар ўрнатилган. Мазкур жараёнда эса айрим ҳолларда фуқаролик, оммавий ва бошқа ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида низолар келиб чиқиб, мазкур низоларни суд йўли билан ҳал этиш ва судга мурожаат қилиш зарурати пайдо бўлаётир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур низоларни ҳал қилиш мақсадида даъво аризалари билан судларга мурожаат қилиш кўрсаткичлари ортиб бормоқда.

ча бепул асосда тақдим этилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу қарор билан 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш; маънафаддор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш; суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларнинг электрон шаклда юбориш; суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш имкониятларини берувчи “Адолат” ахборот тизимлари комплекси жорий этилади.

Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг 2022 йил 1 январдан бошлаб Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик лавозимларига номзодлар томонидан электрон мурожаат қилиш, суҳбат жараёнида бериладиган саволлар ва вазифаларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш; Судьялар олий мактабига унинг расмий веб-сайти орқали ариза ва мурожаатларни йўллаш, профессор-ўқитувчилар ва тинловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тинловчиларнинг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилиш тартибини ўрнатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, суд ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ушбу ислохотлар мамлакатимизда қонун устуворлигини ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур эзгу мақсадни рўйба қаршида эса судьялар зиммасига ўта муҳим вазифа – одил судловни Конституция ва қонунларимиз ҳамда адолат тамойилларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш юклатилади.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Суд оstonасига қадам кўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукми сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак”.

Салимжон АБДУРАСУЛОВ,
Навоий вилоят иқтисодий суди судяси,
Шерзод ҒОҒУРОВ
Кармана туманлараро иқтисодий суди судяси

Албатта, бугунги кунда ҳар бир инсон ёки тадбиркор учун энг қимматли жиҳатлардан бири – бу вақт. Айни шу боисдан ҳам шахсларнинг турли сабаблар билан судда кўпроқ вақт давомида кутиб қолиши уларнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, низоларни ҳал қилиш юзасидан судларга мурожаат қилиш кўрсаткичларининг кўпайиши судларда иш ҳажмининг ортишига ҳамда, ўз навбатида, ишларни кўриб чиқиш муддатлари ва вақтини чўзилишига олиб келади.

Шундай экан бугунги кунда судда иш юритишнинг асосий мақсади ҳам судга мурожаат қилган ҳар бир шахснинг қимматли вақтини олмасдан, унинг масаласини ўз вақтида кўриб чиқишга, бунда самарали восита ва усуллардан, хусусан, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш орқали мурожаатларни тегишли тартибда қабул қилишга ва фуқароларнинг турли кўринишдаги сарсонгарчиликларини олдини олишга қаратилмоқда.

Мазкур мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги 3250-сонли қарори билан тасдиқланган 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилганлиги алоҳида аҳамиятlidir.

Шу билан бирга, айни вақтда замонавий ахборот технологиялари ҳамда рақамлаштиришдан кенг фойдаланган ҳолда судда иш юритиш янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини ошириш зарурати юзга келмоқда.

Бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот ал-

масинувни уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қозғош шаклида амалга оширилаётганлиги боис судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга қўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш талаб этилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганлиги ҳудуд муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хусусан, мазкур қарор билан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига қўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биналарида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш; судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олиншини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш; махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очкилиги ва шаффофлигини таъминлаш; суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш; суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди.

Шунингдек, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қўлувчининг розилиги билан

аудиоёзудан фойдаланган ҳолда қайд этиб боришни ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантиришни; 2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлашни; 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилишни; 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қозғош шаклида тақдим этишни; 2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10га яқин интерактив хизматлар қўрсатишни йўлга қўйишни; 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивида эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10га яқин интерактив хизматлар қўрсатишни йўлга қўйишни; 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивида эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10га яқин интерактив хизматлар қўрсатишни йўлга қўйишни; 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивида эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10га яқин интерактив хизматлар қўрсатишни йўлга қўйишни; 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивида эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10га яқин интерактив хизматлар қўрсатишни йўлга қўйишни.

Албатта, мазкур ўзгаришлар ва имкониятлар судга мурожаат қилиш янада осонлаштиради ва содда-лаштиради ҳамда фуқароларнинг бу борадаги турли кўринишдаги қийинчиликларини олдини олишга, суднинг очкилиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мисол учун, биргина 2019 йил давомида иқтисодий судларга 2,699та электрон тартибда даъво аризалар ва илтимосномалар келиб тушган бўлиб, Навоий вилоят, туманлараро (туман) иқтисодий судлари томонидан 2019 йилда жами 619та суд мажлислари видеоконференцалоқа тартибидан ўтказилган. Ушбу видеоконференция суд жараёнида 1,351 нафар вакиллар жойидан туриб иштирок этиб, уларнинг тахминан 221,7 млн. сўм маблағлари тежалган. Бундан ташқари, 2020 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида жами

117та суд мажлислари видеоконференцалоқа тартибидан ўтказилган бўлиб, ушбу суд жараёнида 302 нафар вакиллар ўз вилоят (туман)ларида иштирок этган ҳамда уларнинг тахминан 75,4 млн. сўм маблағлари тежалган. Эндиликда мазкур қарор билан суд иш юритишларига замонавий ахборот технологиялари ва рақамлаштиришнинг янада кенгроқ жорий этилиши муносабати билан бу борада янада юқори кўрсаткичларга эришилади.

Бундан ташқари, қарорда 28та давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улашни; судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юборишни; муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овоза қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олишни; судлар томонидан жарималарни қамайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкий ҳолати ва ижтимоий аҳоли ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишишни; судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олишни назарда тутувчи Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқланган ҳамда Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали ижтимоий ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйи-

ЭЪЛОНЛАР

ТАТУ қошидаги 1-академик лицей томонидан Бектаев Нурболот Курбаналиевич номига 2002 йили берилган 001754 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси томонидан 15.11.2011 йилда Одил Исломов номига Юнусовид тумани, Маликов 1-берк кўчаси, 29-А уй учун берилган 10-07-05-01-02-5055 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Ўзалоқонсалтинг” МЧЖ бош директори **Тоҳир БИКМЕТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

“Ўзбектелеком” АК Наманган филиали жамоаси филиалнинг қурилиш участка бўлими бошлиғи Каримжон Турғуновга отаси фахрий алоқачи **Раҳимжон ТУРҒУНОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдарлик билдиради.

16 | ЭКСПЕРТ



ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

НОМУС

Сув, Шамол, Олов ва Номус дўст тутинган эди. Улар ҳаммиша бирга юрарди. Лекин ажраладиган, ҳамма ўз иши билан шуғулланадиган вақт келди. Кетиш олдида кейинчалик бир-бирларини қандай топа олишлари ҳақида фикрлашишди.

– Бирор ўсимлик кўкарган жойда мен албатта бўламан, – деди Сув.

– Япроқлар шивирини эшитсангиз, билинги, мен ўша ердаман, – деди Шамол.

Олов эса тутун бор жойда бўлишини айтди. Биргина Номус индамай турарди. Дўстлари ундан нимага белги-аломатларини айтмаётганини сўрашди.

– Сизлар ажралишингиз ва қайта топишингиз мумкин. Мендан ажралганлар мангуга кетади, мен билан қайта ҳеч қачон бирга бўлмайди, – деб жавоб берди Номус.

ИБРАТ

ФАҚАТ

ЮҚОРИЛАНГ!

Ҳавода бургутнинг устига миниб, унинг бўйнидан чўқилашга журъат қила оладиган ягона куш қарға экан.

Лекин бу ҳаммага бургут эътибор бермас, қарға билан чўқилашиб, майдалашиб ўтирмас экан. Фақат қанотларини дадил қоқиб яна ҳам юқорига кўтариллишга ҳаракат қилар экан. У баландлагани сари қарганинг ўпкаси сиқиб нафас олиши қийинлашар, охири, диққинафас бўлиб кулар экан.

Сиз ҳам ҳар ким билан талашиб-тортишиб асабингизни, вақтингизни увол қилманг... Фақат юқориланг!



ЭСАҲГА

Қамоқхонада бир маҳбус иккинчисидан сўраляпти:

- Сен ўзи бу ерга қандай қилиб келиб қолгансан?

- Аксирганим учун келиб қолдим.

- Сени коронавирус бўлган деб ўйлашганим?

- Йўқ, ўғриликка тушганимда аксириб, қоровулни уйғотиб юборганман.

Авалло таъкидлаш керакки, почта хизматлари Фойдаланувчининг ҳисобини блокировка қилиш ҳуқуқига эга. Улар буни почтани бузиб киришга шубҳа туғилганда, спам-жўнатмалар ёки давлат органлари ва тегишли идоралар илтимосига кўра амалга оширишади. Синергия университетининг Ахборот технологиялари институти директори Станислав Косаревнинг Prime ахборот агентлигига айтишича, блокировканинг сабабларига қараб, ундан халос бўлишнинг турли усуллари мавжуд.

– Одатда биз Mail.ru ва Yandex почта хизматларидан рўйхатдан ўтганимизда, фойдаланувчилар шартномасига индамайгина розилик билдирасиз. Агар сиз шартларни диққат билан ўқиб чиқсангиз, унда почта

хизматлари фойдаланувчи ҳисобидаги ёзишмаларни ўчириш ёки блоклаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолганини билиб оласиз. Шунингдек, почта хизматлари сабабини кўрсатмасдан ва фойдаланувчиларга олдиндан хабар бермасдан почта қутиларига киришни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш ҳуқуқига эга, – дейди у.

Статистик маълумотларга кўра, блокировкага кўпинча почта хизматлари шубҳали фаолиятни сезгани сабабли содир бўлади. Масалан, почтага янги жойдан киришга уриниш, паролларни тахмин қилиш. Иккинчи кенг тарқалган сабаб – шахсий почта қутисидан оммавий жўнатмалар. Агар мурожаат мурожаатчилар томонидан жуда кўп шикоятлар бўлса ҳам спамга тушиб қоласиз. Ва энг кўп учрайдиган учинчи ҳолат – давлат ва бошқа тегишли идоралар талабига кўра блокировкага қилинишингиз.

ДИЕТОЛОГ ҲУЗУРИДА

ЮРАК ВА ТОМИРЛАР УЧУН ЭНГ ФЙДАЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Нотўғри овқатланиш юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқаради. Туркиялик диетолог Фатма Байсал Юсуф юрак учун энг фойдали маҳсулотларни маълум қилди ва уларни таомномага киритишни маслаҳат берди.

Унинг фикрича, саримсоқ таомноманинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири саналади. У томирларга ижобий таъсир кўрсатиб, юрак-қон томир касалликлари хавфини камайтиради. Шифокор ҳар куни бир бўлақдан саримсоқ ейиш-

ни тавсия этади. Юсуф, шунингдек, сабзавотлардан помидор, резаворлардан эса қизил узум ва тарвузни энг фойдали маҳсулот деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, диетологнинг фикрича, балиқ таомноманинг муҳим таркибий қисмига айланиши даркор. Балиқ ва унинг ёғи тромблар ҳосил бўлишига йўл қўймайди, таркибидеги омега-3 ёғ кислоталари эса юқори антиоксидант ҳусурията эга. Балиқни буғда ёки

грилда пишириш лозим.

Шунингдек, шифокор ёнғоқ, фундук, зигир уругини тез-тез истеъмол қилишни тавсия этади. Сули ва жавдар ундан тайёрланган маҳсулотлар ҳам фойдали. Ичимликлардан диетолог кўк чай, мойчечак ёки мармаракни дамлаб ичишни маслаҳат беради.



Xabar
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул қотиб).

Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Бахоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тўра кўчаси, 2-уй
(муҳал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси – 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Набатчи: Барно СУЛТОНОВА.

| | | | | | | | | | | | | |
|--|-----------------------------------|--|---|---------------------------|--------------------|-------------------|---------------------------|------------------------|---------------------|-------------------------|---------------------|-----------------------|
| Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган. | Газета ҳафтанинг жума куни чиқади | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | G-957 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 3959 нусха. | ISSN 2010-6424 | | | | | | | | |
| Вилоят муҳбирлари: | Анжлияда 226-47-80 | Бухорода (99)854-7305 | Жиззахда (94) 199-95-64 | Наманганда (91) 353-71-25 | Навоийда 225-91-10 | Нукусла 554-35-45 | Самарқандда (91)557-84-44 | Термизда (91)235-88-68 | Тошкентда 234-18-59 | Урганчда (97) 211-65-05 | Фарғонада 244-18-05 | Қаршида (93)931-08-99 |